БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 255 (3756).
ЖУМА
10 НОЯБРЬ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ПАРТИЯ ВА ХАЛҚНИНГ БУЮК ЖАСОРАТИ

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кичик ер» ва «Тикланиш» номли эсдаликларини Совет Иттифоқида ва хорижий мамлакатларда миллион-миллион кишилар зўр қизиқиш билан кутиб олдилар. Китобхонлар шу асарларнинг чуқур ғоявий-сиёсий таъсирига юксак баҳо бериб, Леонид Ильич ўз хотираларини ёзишни давом эттирсин ва мамлакат тарихидаги бошқа энг муҳим даврлар тўғрисида ҳикоя қилиб берсин, деб истак билдирдилар.

Леонид Ильич Брежневнинг «Кўриқ» номли янги асари совет халқининг буюк жасоратига бағишланган. СССР Ёзувчилар союзининг «Новый мир» адабий-бадиий ва ижтимоий-сиёсий журналининг ноябрь сони шу асар билан бошланади.

Қўриқ ерларни ўзлаштириш — тарихий аҳамиятга молик иш бўлди. Гап бир республиканинг дон хўжалигини юксалтириш ҳақидагина эмас, балки бутун Совет Иттифоқи миқёсида дон проблемасини тубдан ҳал этиш устида ҳам борарди. Қўриқ эпопеяси совет кишиларининг ғоят олижаноб маънавий фазилатларини бутун дунёга кўрсатди. Бу эпопея Ватанга садқидилдан хизмат қилиш рамзи, социалистик замонанинг буюк жасорати бўлиб қолди.

«Қўриқ» номли эсдаликларнинг автори юз минглаб коммунистларнинг, қўриқ ерларни ўзлаштирган ватанпарварларнинг шижоати тўғрисида, уларнинг матонати, мардлиги, меҳнатдаги ташаббускорлиги ҳақида ҳикоя қилади.

Л. И. Брежневнинг «Қўриқ» номли эсдаликлари снёсий адабиёт нашриёти томонидан алоҳида китобча қилиб чиқарилди.

(ТАСС).

* * *

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Қўриқ» номли асари бугун тонгги газеталарда эълон қилинган.

САМАРАДОРЛИК ВА СИФАТ БЕШ ЙИЛЛИГИГА — ИШЧИ КАФОЛАТИ

• *Йиллик план — муддатидан илгари*

ШАҲАР ИНДУСТРИЯСИ ОДИМИ

Ўзбекистон пойтахти саноат, транспорт ва алоқа корхоналари коллективлари Улуғ Октябрнинг 61 йиллигини муносиб меҳнат туҳфалари билан кутиб олишди. 1978 йилнинг январь — октябрь ойлари плани саноат маҳсулоти реализация қилиш бўйича 102,9 процент бажарилди. Меҳнат унумдорлиги топшириққа нисбатан 102,5 процентни ташкил этди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 107.1 процентни ташкил этди, меҳнат унумдорлиги эса 1977 йилнинг январь— октябрь ойларига нисбатан 5,6 процент ўсди. Меҳнат унумдорлигини юксалтириш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши 81,7 процент бўлди.

Шаҳар районларида реализация бўйича планнинг бажарилиши ва ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати қуйидаги далиллар билан характерланади:

ШАҲАР РАЙОНЛАРИ	Реализация бўйича планнинг бажарилиши (процентларда)		Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати (процентларда)			
	1978 йил октябрь ойида	1978 йилнинг январь — октябрь ойларида	Реализация бўйича	Ишлаб чиқариш ҳажми бўйича	Меҳнат унумдорлиги бўйича	1978 йилнинг январь — октябрь ойларида социалистик мажбуриятлар-нинг бажарилиши процентларда
Шаҳар бўйича	103,4	102,9	108,8	107,1	105,6	109,6
Киров райони	103,6	103,9	105,4	105,7	104,5	107,3
Куйбишев райони	102,3	101,8	104,1	105,9	104,5	111,1
Ленин райони	103,1	102,8	108,8	110,4	109,5	112,1
Октябрь райони	104,7	104,0	105,5	104,4	103,1	110,4
Собир Раҳимов райони	103,1	103,3	105,8	103,0	105,2	105,1
Сергели райони	106,1	101,7	103,6	106,3	104,2	69,5
Фрунзе райони	101,7	101,7	101,2	103,2	105,4	105,7
Чилонзор райони	103,5	104,2	109,2	109,2	104,7	121,1
Ҳамза райони	104,2	103,6	119,3	109,0	105,9	114,4

1978 йилнинг ўн ойи мобайнида Тошкент саноати планга қўшимча 66 миллион 870 минг сўмлик, шу жумладан, Киров райони 7153 минг сўмлик, Куйбишев райони 7408 минг сўмлик, Ленин райони 6926 минг сўмлик, Октябрь райони 5245 минг сўмлик, Собир Раҳимов райони 5.698 минг сўмлик, Сергели райони 2030 минг сўмлик, Фрунзе райони 4.407 минг сўмлик, Чилонзор райони 5.122 минг сўмлик, Ҳамза райони 22.881 минг сўмлик маҳсулот реализация қилдилар.

Трактор, асбобсозлик, лак-бўёқ, электрон-техника, газ аппаратуралари, «Узбексельмаш», агрегат, чинни заводлари, гажриба ипак-йигирув фабрикаси, Тошкент ўйинчоқлар фабрикаси, кўн-галантерея буюмлари, тамаки фабрикалари, абразив, «Тошкентвино», қурилиш материаллари, ёғмой комбинатлари ва бошқа корхоналар ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришда юксак суръатларга эришдилар.

Кўпгина корхоналар шартномадаги мажбуриятларини бажариб, муҳим халқ хўжалиги буюмларини ишлаб чиқариш бўйича топшириқларини муваффақиятли уддаладилар.

Шу билан бирга 1978 йилнинг тўққиз ойи мобайнида шаҳарнинг бир корхонаси маҳсулот реализация қилиш бўйича план топшириғини уддалай олмади. Бу «Узвторцветмет» (Сергели райони) корхонасидир. Улар планга нисбатан бир неча минг сўмлик кам маҳсулот бердилар.

Календарда — ноябрь, бешинчи йиллик учинчи йилининг охири. Шу боисдан ишлаб чиқаришнинг барча участкаларида меҳнатни ташкил этиш даражасини янада юқори кўтариш, ҳар бир иш жойида нафақат ойлик, балки йиллик топшириқларни ошириб бажариш учун қулай шароитлар яратиш керак.

Ишнинг манфаатлари корхонани кузги-қишки мавсумда ишлашга тайёрлашни тугаллашни тақозо этади. Бу йиллик план ва мажбуриятларни иг ина ошириб бажариб қолмай, балки келаси йилнинг дастлабки кунларидаёқ бир маромда ишлаш учун қулай шарт-шароитлар юзага келтиришда муҳим роль ўйнайди.

ЯХШИ НИЯТ

Ленин проспектида 120 квартирали ўн олти қаватли янги уйнинг пойдевори қўйиляпти. Шу кунларда объектда иш қизғин. 11-«Висотстрой» трестининг «Спецжелезобетонстрой» бошқармаси қурувчилари иш суръатини кун сайин оширяптилар. Бу ерда пойдевор қўйиш ишларини бажараётган Ю. Дибердиев бошчилигидаги комплекс бригада азаматлари белгиланган графикдан бир ҳафта ўзиб ишлашяпти.

Шаҳримиз саноат корхоналарини иссиқлик, қисилган ҳаво ва буғ билан таъминлаётган «Промэнерго» корхонасида беш йиллик топшириқларини муддатидан аввал бажариш учун умумхалқ мусобақаси ой сайин кенг кўлоч ёзмоқда.

СУРАТДА: ана шу ташаббусга қўшилган электр цехининг илгор обмоткачиларидан Тамара Кузнецова.

М. Нуриддинов фотолари.



Ҳозир конструкцияларни монтаж қилаётган 20 қурувчи кунлик нормани 115—120 процентга етказиб ado этяпти.

Коллектив барча ишларни тез ва сифатли бажариб, янги йил байрамигача биринчи қават белгисига чиқиш ниятида меҳнат қилмоқда.

М. ФЕЛЬДМАН.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Ўзбекистон ССР Геология министрлигининг коллективи Улуғ Октябрь байрамини муносиб кутиб олиш учун мусобақани кенг авж олдириб, мис, олтин, қўрғошин, рух, плавик шпат, нефть, табиий газ ва бошқа фойдали қазилмаларни кўпайтириш, кончилик ва пармалаш ишлари ҳажми юзасидан қабул қилинган муқобил планлар ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли уддалади.

(ЎзТАГ).

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

▲ Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети 65 ёшга тўлганлиги муносабати билан халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг таниқли арбоби, шонли Португалия Коммунистик партиясининг жанговар раҳбари, Португалия меҳнаткашларининг содиқ фарзанди, КПСС ва совет халқининг синалган дўсти Альваро Куньялга қардошлик саломи ва саммий табриклар йўллайди.

▲ ВКП Марказий Комитетининг Бош секретари Ле Зуан ва ВКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВСР ҳукуматининг Бош министри Фам Ван Донг бошчилигидаги ВСР партия-ҳукумат делегациясининг СССРга қилган дўстона расмий визити тўғрисида қўшма ахборот эълон қилинган.

▲ ВКП Марказий Комитетининг Бош секретари Ле Зуан ва ВКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВСР ҳукуматининг Бош министри Фам Ван Донг бошчилигидаги ВСР партия-ҳукумат делегацияси Москвадан Ватанига қайта туриб, 9 ноябрда Тошкентда тўхтади.

ТУРЛИ АДРЕСЛАР БЎЙИЛАБ

ЎНЛАБ ОИЛАЛАР ҚУВОНЧИ

Ц-17 кварталидаги 18 ва 19, Юнусобод массивининг Б-1 кварталидаги 89-уйлар фойдаланишга топширилди. Ана шу биноларга ҳамшаҳарларимизнинг ўнлаб оилалари кўчиб кириши. Бу биноларни 6-трестнинг 70-, 4-трестнинг 38-бошқармалари бунёд этишган.

Бундан ташқари Октябрь районидаги Беруний проспектида ҳам бир неча янги тўққиз қаватли уй қад кўтармоқда. Бу ерда меҳнат қилаётган Тошкент уйсозлик бошқармасининг 2-бошқармаси иккита тўққиз қаватли уйни фойдаланишга топширди.

Ҳамза районидаги Шолохов кўчасида ва Оҳангарон шоссесида ҳам бир неча уйлар эгаларига тақдим этилди. «Главташкентстрой» бунёдкорлари ўнинчи беш йиллик учинчи йилининг бошидан буён ҳозиргача шаҳримизда 529 минг квадрат метрли уй-жой бинолари ва жамоат биноларини фойдаланишга топширдилар.

• *Тошкент — мамлакатга*

ҚИРҚҚА ЯҚИН НОМДА

«Ташавтоматика» заводи мамлакатимизнинг маиший хизмат кўрсатиш корхоналари машина ва ускуналарини синовчи ҳамда назорат қилувчи қирққа яқин номда стенд ва станциялар ишлаб чиқармоқда. Корхона янгиликларидан бири вакуум заправкаси учун гайёрланган вакуум насос агрегатидир.

Шу ойда завод Барнаул, Николаев, Кемерово ва бошқа шаҳарларга планга қўшимча 40 минг сўмликдан ортиқ маҳсулот жўнатди. Биринчи марта Витебск маиший хизмат кўрсатиш комбинатига электр ўтгаларини синаш ва чарҳлаш станциялари юборилди.

ШИМОЛ АҲОЛИСИ УЧУН

Тошкент спорт буюмлари фабрикаси ўз маҳсулотларини Қарағанда, Донецк, Днепропетровск каби кўплаб шаҳарларга жўнатмоқда.

БУГУН

корхона узоқ Петропавловск-Камчатка аҳолиси учун спорт буюмларининг дастлабки туркумини юборди. Спорт буюмлари орасида гимнастика поёндози, оёқ кийимлари, шахмат ва шашка, комплектлари, футбол коптоклари бор.

Жўнатилган маҳсулотнинг ҳаммаси пландан ташқари чиқарилган. Бунинг боиси шуки, фабрика коллективи куни кеча ўнинчи беш йилликнинг уч йили планини адо этди. Ҳозиргача корхона конвейерларидан 300 минг сўмликдан ортиқ қўшимча маҳсулот тушди.



Тошкент подшипниклар ремонти заводининг коллективи қишлоқ механизаторларига турли подшипникларни тайёрлаб жўнатмоқда. Корхона маҳсулотига бўлган талаб йил сайин ортиб боряпти.

СУРАТДА: подшипникларни қайта тиклаш цехининг зарбдор ишчиси Галина Феоктистова. У шахсий беш йиллик нормасини уч ярим йилда бажаришга аҳд қилган.

Республика бўйлаб

ШАҲАРДА УЙ ТЎЙЛАРИ

Бухоро пилласқошлик фабрикаси, 2524-автоколонна, «Амубухарақаналстрой» бошқармаси ишчиларининг, ўқитувчилар, врачларнинг юздан ортиқроқ оиласи байрам арафасида «Шарқ» янги микрорайонида қурилган дастлабки икки уйнинг квартираларига кўчиб киришди. «Шарқ» микрорайонида беш йилликнинг охирига қадар аҳоли 40 минг кишига етади. Янги квартираларга кўчиб ўтган кишилар ҳозир ўз уйларининг деразаларидан катта қурилиш майдончасини кўриб турибдилар. Экскаваторлар котлованларни қазимоқда, бульдозерлар ва автогрейдерлар йўл чиқармоқда, автомобиль машиналари девор панелларини, том устига ёпиладиган ва бошқа деталларни тўхтовсиз ташиб турибди. Булардан уй-жой қурилишида, шунингдек замонавий бош универсал магазини, кутубхона, мактабларни, болалар боғчаларини ва бошқа маданий-маиший объектларни қуришда фойдаланилади.

ДАРАХТЗОРЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ УЧУН

Наманган ўрмон хўжалигининг кўчатхоналарида кузда ўтказиш учун турли нав дарахтларининг 5 миллиондан кўпроқ кўчати тайёрлаб қўйилди. Бу кўчатлар ёнғоқзорларни, олмазорларни, олхўризорларни кенгайтириш учун, шунингдек пахтазорлар теварагида ихота дарахтзорларини барпо этиш учун мўлжалланган. Бу йил Косонсой районида кўчатлар учун катта-катта майдонлар ажратилган. Бу ерда Тянь-Шань этакларида йирик ўрмон массивлари барпо этилмоқда.

(ЎзТАГ).

ТОШКЕНТНИ БОҒ-РОҒЛАР ШАҲРИГА АЙЛАНТИРАМИЗ

МИНГЛАБ ЯШИЛ НИҲОЛЛАР

• *КЎЧАТ ЎТҚАЗИШ ОЙЛИГИ БОШЛАНДИ*

Республикамиз пойтахти йилдан-йилга чирой очмоқда. Янги хиёбонлар, дам олиш зоналари ва боғлар барпо қилинмоқда. Кўчат ва яшил тўсиқ ўтқазишда ҳамшаҳарларимиз актив иштирок этишмоқда.

Ўзбекистон КП шаҳар комитети ва меҳнаткашлар Совети ижроия комитети 1978 йилнинг 10 ноябридан 10 декабригача ва 1979 йилнинг 1 мартидан 1 апрелигача шаҳримизда кўчат ўтқазиш ойлигини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилдилар. Фақат шу йилнинг куз ойида шаҳримизда 1 миллион 115 минг дарахт ва яшил тўсиқ ўтқазилади.

Район партия комитетлари ва район ижроия комитетлари, шаҳар ижроия комитетининг бўлим ва бошқармалари беш кунлик муддат ичида ташкилотлар, корхоналар, ўқув юртлари, уй-жой бошқармалари, маҳалла ва квартал комитетларига кўчат ўтқазиш ойлигининг бошланганлиги ҳақида хабар бершлари лозим.

Ойликда манзарали дарахт кўчатларини ўтқазишга катта аҳамият бериш зарур. Шунингдек, метрополитен станциялари атрофига ранг-баранг гуллар ўтқазиш ҳақида ҳам ғамхўрлик қилиш керак. Ўтқазилган кўчатлар қуриб қолмаслиги учун барча ирригация шахобчаларини зилол сувлар учун тахт қилиб қўйиш лозим.

• *КЎЧАТЛАРНИ АВАЙЛАБ ПАРВАРИШ ҚИЛАЙЛИК*

Кўчат ўтқазиш планлари, ирригация шахобчалари ва майдонларни чиқиндилардан тозалашнинг бориши тўғрисидаги ҳисобот район ижроия комитети йиғилишларида маълум қилиб борилиши лозим.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг саҳифаларида кўчат ўтқазиш ойлигининг қандай ўтаётганлиги ҳақида материаллар бериб бориш лозим.

ТОТЛИ ЭКСПОНАТЛАР

БУГУН

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида намойишга қўйилган янги виставка «Сифат белгисини олган Ўзбекистон озиқ-овқат саноатининг маҳсулотлари» деб аталади. Бу ерда намойишга қўйилган диаграммалар, жуда кўп ёзувлар, фотосуратлар Тошкент шаҳри ва республиканинг илғор корхоналари ҳақида ҳикоя қилади, ишлаб чиқариш новаторлари билан яқиндан таништиради.

«Ўртоқ» кондитер фабрикаси, Янгийўлдаги кондитер-дрожже ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа корхоналарнинг меҳнатчилари маҳсулот ишлаб чиқаришда юксак кўрсаттичларга эришмоқдалар. Республиканинг озиқ-овқат саноати корхоналарида ана шу беш йилликда учта автоматлаштирилган цех, 40 та потокли — механизациялашган линия, 10 мингта замонавий янги ускуна ишга туширилди.

Ўзбекистон қандолатчиларининг «Майиоқ айиқ» деган конфетлари биринчи марта 1973 йилда Давлат Сифат белгисини олган бўлса, 1980 йилга бориб, бундай маҳсулотларнинг тури 100 дан ошади. Тотли нозу-неъматлар Лейпциг, Загреб ва бошқа кўпгина ярмаркаларда намойиш этилмоқда.

ЛЕНТАДА ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

Тошкент киноҳаваскорлари ва киносаёҳатчилари клубининг ходимлари Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхозида бир неча кун бўлиб, меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатишди. Ҳаваскорлар совхознинг «Пахтакор» ҳаваскорлик киностудияси аъзоларига қишлоқ меҳнатчиларининг ҳаёти тўғрисида ҳужжатли лентадар яратиш юзасидан амалий ёрдам кўрсатишди. Бундан ташқари дала меҳнаткашлари билан учрашувларда лекциялар ва суҳбатлар ўтказилиб, ҳаваскорлик фильмларининг энг яхши лентасидан иборат қилиб тузилган программа намойиш этилди.

Бундан ташқари киноҳаваскорлар клубининг раиси, режиссёр Б. Хўжаев клуб аъзоларининг мамлакатимизнинг турли шаҳарларида суратга олган лентадари ҳақида гапириб берди.

Шаҳар — қишлоққа ҲИССА

Шанба ва якшанба кунлари шаҳар меҳнаткашлари тушган автобус колонналари пахтакор хўжаликлар сари йўл олмоқда. Шаҳарликлар «оқ олтин» ҳосилини тезроқ йиғиб олишда деҳқонларга катта ёрдам кўрсатишяпти. Бизнинг «Оргтехстроймате р иалн» трестига қарашли махсус конструкторлик-технология бюросининг 25 ходими шанба ва якшанба кунлари ҳашарга чиқмоқда. Биз ҳозиргача Тошкент области хўжаликларида 300 килограммга яқин пахта териб бердик.

Коллективимиз ходимлари терим мавсуми охиригача яна бир неча марта ҳашарга чиқиб, республикамизнинг катта хирмонига муносиб ҳисса қўшадилар.

А. ДАВИДОВСКИЙ.
«Оргтехстройматериали» трестига қарашли махсус конструкторлик-т е х н о логия бюроси ходими.

ВАЪДАГА БИНОАН

1-темир-бетон заводи коллективи шу йил бошида Жиззах область Мирзачўл районидаги 5-боғдорчиликвиночилик совхози билан оталиқ ёрдами кўрсатиш бўйича шартнома тузган эди. Шунга биноан «Узполодоов о ш ч в и пром» аграр-саноат бирлашмасининг Тошкентдаги лойиҳа институти совхоз учун сабзавот-мева омборхонаси лойиҳасини тайёрлаб берди. Завод эса бу қурилишни темир-бетон буюмлар билан таъминлашни зиммасига олди. Ҳозир совхозда омборхона қурилиши қизғин давом этяпти.

Завод меҳнаткашлари пахтакорларга ёрдам беришни ҳам унутишмаяпти. корхона шпчиларй ҳар шанба, якшанба кунлари Янгийўл районидаги хўжаликларнинг пахтазорларида тер тўкмоқдалар.

телетайп лентасидан

☆ **УЛАН-БАТОР. Монголия Халқ Республикаси сув хўжалиги лойиҳа-тадқиқот институтининг ходимлари республиканинг гидро-энергетика ресурсларини ўрганиш соҳасидаги ишларнинг биринчи босқичини тугалладилар. Мамлакатдаги сув ресурсларининг умумий миқдори 25 миллиард кубометрга етганлиги аниқланди. Ғарб ва шимолдаги дарёларнинг энергетика запаслари ҳам кўп. Мутахассислар нинг фикрича, бу ресурслар ўнта гидроэлектростанциянинг ишлаши учун етарлидир. Бу станцияларда электроэнергия ишлаб чиқаришнинг таннархи ТЭЦлардагига нисбатан тўрт-беш баравар кам бўлиши мумкин.**

☆ СИНГАПУР. Ороддаги ана шу давлатда озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур моллар нинг нархи муттасил ошиб бормоқда. Шу йил нинг бошидан буён гуруч нархи 24 процент қўтарилди, сабзавот 12 процент, чўчқа гўшти ва мева 8 процент, балиқ ва балиқ маҳсулотлари 5 процент кимматлашди. Айни вақтда медицина ва коммунал хизмати учун тўланадиган ҳақ ошди.

☆ **ВАРШАВА. Кутубхоналарни кўпайтириш — Польша Халқ Республикасининг социалистик қурилиш йилларида маданият соҳасида амалга оширилаётган энг муҳим ютуқлардан биридир.**

Ҳозирги вақтда мамлакатда 9 минг кутубхона бор. Турли ёш ва хилма-хил касбдардаги доимий китобхонлардан 7 миллион киши бу кутубхоналардан фойдаланмоқда. Улар ҳар йили 142 миллиондан зиёд китоб ўқийдилар.

Рус классиклари ва ҳозирги совет авторларининг асарлари Польша кутубхоналарида катта ўрин олади.

☆ ДЕҲЛИ. Ҳиндистон геологлари ҳавзодан разведка қилиш орқали Хассан округида (Карнатака штати) янги мис руда конини топдилар. Унинг таркибидаги металл миқдори бир процентга яқин. Умумий руда запаси тахминан 3 миллион тонна.

Янги конни саноат кўламида қазиш Ҳиндистон экономикасини ривожлантириш учун ниҳоятда зарур мисни кўпайтиришга ёрдам беради.

☆ **ЛУАНДА. Ангола Халқ Республикаси билан Заир Республикаси Луанда билан Киншаса ўртасида тўппа-тўғри ҳаво йўли очиш тўғрисида келишдилар. Икки мамлакат пойтахтлари ўртасида самолётлар шу йилнинг ноябридан қатнай бошлайди.**

☆ ПАРИЖ. Иқтисодий кризис Франциядаги майда ва ўрта корхоналарни хонавайрон қилмоқда. Эълон қилинган маълумотларга қараганда, 1978 йилнинг дастлабки тўққиз ойи мобайнида хонавайрон бўлган компаниялар ва фирмаларнинг сони ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 14,2 процент ортган. Мамлакатда жами 11.623 майда ва ўрта завод ҳамда фабрикалар хонавайрон бўлди.

☆ **КАРАКАС. Вене. суэла Компартиясининг бу ерда тарқатилган баёнотида ҳар йили бизнинг мамлакатимиз АҚШга нефть етказиб беришнинг ўзидангина қарийб 1,4 миллиард доллардан маҳрум бўлмоқда, дейилади.**

Венесуэла коммунистлари Лотин Америкаси мамлакатлари нефтига ва бошқа товарларига қўшма Штатлар камситувчилик руҳида ўзи хоҳлаганча белгилаётган нархларнинг бекор қилинишини, тенг ҳуқуқли савдо-сотиқ муносабатлари ўрнатилишини талаб қилдилар.

✦ БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДАН МАКТУБЛАР

МУСОБАҚА ЕТАКЧИСИ

«Главташкентстрой»нинг қурилиш майдонларида ўнлаб партия группалари иш одиб бормоқда. Пайвандловчи Ҳасан Шафиев бошқараётган партия группаси 13-қурилиш-бошқармасида ташаббускорлиги билан яққол ажралиб туради. Йил бошидан буён йигирма минг сўмга яқин қурилиш-монтаж ишларини ado этган бригада йиллик планни бажариш арафасида турибди.

Коллективнинг меҳнат зафарларида коммунистларнинг роли каттадир. Бригадада бор-йўғи олти коммунист меҳнат қилмоқда. Лекин уларнинг умумий ишга қўшаётган ҳиссаси салмоқли бўлмоқда. Партия группасининг ташкилотчиси Х. Шафиевнинг ўзи барчага намуна кўрсатмоқда. У бир неча ёш ишчига касб сирларини ўргатди. Бригадада ҳар бир қурувчи бир неча касбни эгаллаган.

Улар актив пропагандистлар ҳам ҳисобланишади. Прораб М. Абдуҳолиқова, бригадир В. Волков ана шундай актив пропагандистлардандир. Бригада аъзолари қунт билан билим эгаллашяпти. Дурадгор Р. Эшниёзов марксизм-ленинизм университетини тугаладди. Ғишт терувчи С. Аҳмедов, пайвандловчи Д. Сон эса таълим олишмоқда.

ЁШ КОММУНИСТЛАРГА ЭЪТИБОР

Пардозлаш фабрикасининг назорат цехи иккинчи сменаси коммунистлари Т. Хижнякин партия группасининг ташкилотчиси қилиб қайта сайлашди. Бу ёш коммунист қисқа вақт ичида партия группасини янада жипслаштиришга, меҳнатда ва ўқишда коллектив аъзоларининг юксак натижаларни қўлга киритишга эришди. Бунинг боиси бор, албатта. Т. Хижняк Тошкент тўқимачилик комбинати ёш коммунистлар мактабининг актив тингловчисидир. Бу ерда у маҳорат сирларини қунт билан эгалламоқда.

Бу мактабда юздан знёд киши шуғулланмоқда. Партия комитетининг аъзолари, цех партия ташкилотининг секретарлари, комбинат раҳбарлари, етук мутахассислар тингловчилар ҳузурида тез-тез лекциялар ўқишяпти. Ёш коммунистларга эътибор уларнинг меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини янада мустаҳкамлашларига самарали таъсир кўрсатяпти.

ТЕЖАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси экономистларининг ҳисоб-китобига қараганда бу ерда тежаб қолинган газламадан ҳар ойда ўртача 400 та костюм тикиш мумкин экан.

Корхона партия ташкилоти иқтисод ва тежамкорлик учун курашга бошчилик қиляпти. Бу масала тез-тез муҳокама этилмоқда. «Комсомол прожектори» ва халқ назоратчиларининг оммавий рейдлари якунлари кўриб борилмоқда. Электр энергияни тежаш бўйича жамоат кўриклари ўтказилмоқда. Утган йили тикувчилар 250 минг киловатт-соат электр энергияси тежашган эди. Бу йил ҳам улар бу борада мусобақада мўътабар ўринлардан бирини ишғол қилиб келишяпти.

Корхона партия комитети энг яхши цехларнинг иқтисод ва тежамкорлик юзасидан тўплаган тажрибасини кенг ёйишга катта эътибор бермоқда. Электр энергиясини тежаб-тергаб сарфлаш ва материал ҳамда хом ашёларни иқтисод қилишнинг янги усулларини муваффақиятли жорий этилмоқда.

Г. РОЗЕНБЛИТ.

Жиззахдан хат

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ИЮЛЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ—АМАЛДА

Ремонтчилар ёрдами

Тольятти шаҳридаги Волжск автомобилсозлик заводининг Тошкентдаги «Автомарказ» ремонт корхонаси ишчи ва хизматчилари зарбдор йилда Жиззах область Арнасой районидаги Маршал Г. К. Жуков номли совхозга автомашина, трактор, пахта териш машинаси ва бошқа қишлоқ хўжалик техникасини ўз вақтида, сифатли ремонт қилишда бевосита кўмаклашишни зиммаларига олганлар. Шу мақсадда шу йил ёз ойларида ана шу корхонадан қўриқ ердаги хўжаликка келган 20 нафар ремонтчи-слесарь совхоздаги мавжуд «Жигули» енгил автомашиналарни сифатли ремонт қилишда хўжалик мутахассисларига ёрдам кўрсатишди. Ушанда автомобилларни ремонт қилиш корхонаси коллективи машиналар ремонти учун зарур бўлган эҳтиёт қисмларни отадиқдаги совхозга тезлик билан етказиб берганди. Қўриқ хўжалиги механизатор аҳли шаҳарлик ремонтчилар бригадаси кўмагидан мамнун бўлишди.

Шу йилнинг сентябрь ойи ўрталарида корхонадан яна бир гуруҳ слесарь-ремонтчилар оталиқ ёрдами кўрсатиш учун совхозга келишди. Тажрибали мутахассис Ботир Ахрорхўжаев раҳбарлик қилаётган ремонтчилар группасига Тўлқин Солиев, Маҳмуд Маҳаммаджонов ва Туроб Каримов каби сергайрат автослесарлар ушган. Мана, бир ойдан ошяптики, улар хўжаликка қарашли Мирзабой Умаров бошқарувчилик қилаётган 5-бўлимда мавжуд автомашина, трактор, терим агрегатлари, тележка ва бошқа қишлоқ хўжалик техникаси ва асбоб-ускуналарини ўз вақтида, сифатли ремонт қилишда алоҳида фидокорлик кўрсатяптилар. Улар бу ердаги автомашина ва бошқа техника восталарининг узлуксиз ва бенуқсон ишлашини таъминлаш учун қуварлар коллективи йиғим-терим мусобақасида совхоз бўйича олдинда боряпти.

Совхоз дирекцияси, партия ва касаба союз ташкилотлари йиғим-терим мавсуми кунларида 5-бўлим пахтакорларининг ташвишига шерик бўлаётган ҳашарчи автослесарларнинг унумли меҳнат қилиш, бўш вақтларида маданий ҳордиқ чиқариши учун зарур шароитлар яратиб бериш ҳақида ғамхўрлик қиляпти.

Шаҳарликлари и нг қишлоқ меҳнаткашлари, хусусан, чўлқувар деҳқонлар билан дўстона алоқаси КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг X Пленуми қарорларига амалий жавобдир.

А. ИМОМОВ,
Жиззах область, Арнасой район, «Арнасой тонги» газетаси редакторининг ўринбосари.



«Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкент электрмашинасозлиги заводи коллективи Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 61 йиллиги байрамини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олди.

СУРАТДА: шу корхонанинг пешқадам йиғувчи, созловчи слесари Ш. Раҳматуллаев янги пайвандлаш трансформаторларини жўнатиш тарадудида.

К. Исоқов фотоси.

БОШ МУХБИРИМИЗДАН

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ХАТЛАР

• *Пойтахтнинг ноёб иншоати*

Экспериментал уй

Ленин проспекти ва Титов кўчалари муюлишида ўн олти қаватли экспериментал уй-жой қад ростлаяпти. 120 хонадонга мўлжалланган бино лойиҳасини «ТашЗНИИЭП» институтининг Г. Айдинова раҳбарлигидаги архитекторлари ҳамда П. Левин бошлиқ инженерлари яратишган. Бино эллипс шаклида бўлиб, унга икки пассажир ва юк ташувчи лифтлар хизмат қилади. Эллипснинг катта икки томонида хоналар жойлашади, кичик икки томонида эса, ҳар уч қават баландлигида коридорлар бўлади, яъни бино баландлиги бўйича ҳисоблаганда, олтита катта коридор қурилади. У ерда болалар спорт билан шуғулланишлари мумкин.

Бинонинг олтмиш квартираси икки хонали, қолганлари эса уч ва тўрт хоналидир. Лойиҳа авторлари бинони керамзит бетондан қуришни таклиф этишган, чунки бу материал сифатли ҳамда енгилдир.

Иншоот қурилиши анча мураккаб. Шунинг учун бинони ноёб қурилишларда ишлаб, катта тажриба ва малака орттирган «Главташкентстрой»га қарашли 11-«Висотстрой» трести 69-қурилиш бошқармасининг республикада хизмат кўрсатган қурувчи, «Ҳурмат белгиси» ордени кавалери Петр Костенко етакчилигидаги бунёдкорлар барпо этишяпти.

Объект қурилиши шу йил бошланган бўлиб, смета бўйича унга 3 миллион сўм маблағ ажратилган. Зарбдор меҳнат йилида П. Костенко раҳбарлигидаги комплекс коммунистик меҳнат бригадаси 400 минг сўмлик ишни уддалашга аҳд қилди. Аҳдига вафодор қурувчилар планни шу кунлар ичида бажариш учун меҳнат қилмоқдалар.

— Бино ўзгача чирой касб этиши учун пардоз ишларига катта эътибор берилади, — дейди прораб А. Олимжонов. — Балкон ҳамда зинапоялар камалак тусли мармарлардан ишланади. Иморатнинг олд томони оқ цементга қорилган мармар уни билан пардозланади. Ҳар бир хонанинг полларига паркет қоқилиб, коридорларга эса квадрат шаклидаги линолеум плиткалар ёпиштирилади.

Георгий Захарченко, Владимир Летучий каби дурадгорлар, Александр Вайховский ва Николай Ли сингари пайвандчилар, Лидия Кирилова ва Галина Костенко каби меҳнатсевар бетончилар кунлик топшириқларни ошириб бажаришяпти. Шунинг учун ҳам аҳил коллектив трестнинг кўчма Қизил байроғини доим қўлдан бермай олиб келади.

— Бригадамиз интернационал коллектив, — дейди бетончи Лидия Кирилова. — Бизда ўзбеклар, руслар, татарлар, корейслар, лезгинлар ва бошқа миллат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил бўлиб меҳнат қилишмоқда.

Янгийўлликларнинг қолоқларсиз ишлаш ҳақидаги ташаббусига қўшилган коллектив бор кучи ва резервларини ишга солиб меҳнат қиляпти. Уч йиллик план топшириқларини СССР Конституцияси қабул қилинган куннинг бир йиллигигача ado этган қурувчилар зарбдор меҳнат йилида 3 тонна металл, 3 куб метр тахта, 20 куб метр бетон тежадилар.

Тажриба тариқасида қурилаётган уй ўнинчи беш йиллик охирида пойтахтимизнинг ишчи ва хизматчиларига тақдим этилади.

Ш. ҲИДОЯТОВ.



Фотомухбир Р. Абдуллаев яқинда шаҳримиздаги «Қизил тонг» тикув ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлиб корхона коллективи ҳаётини тасвирловчи бир нечта фотосуратлар олиб қайтди. Диққатингизга ҳавола этилаётган ушбу фотолавҳада илғор мотористка, ёшларнинг меҳрибон мураббийси Клавдия Николаевна Гладилинанинг шогирди Надежда Соловцова билан кўриб турибсиз. Бу пешқадам аёл мунтазам равишда смена топшириқларини ортиғи билан адо этиб ёшлар га ўрнак бўлмоқда.

ГАЗЕТХОН ХАБАР БЕРАДИ...

Янада кўркам бўлди

Ихтисослаштирилган йўл эксплуатацияси трести меҳнаткашлари байрам арафасида Ленин номли метро станцияси атрофини тўла ремонтдан чиқаришиб, асфальт ётқизишди. Бундан ташқари 1-ремонт қурилиш бошқармаси-бригадалари Ж. Расулов, Ш. Баҳромов бошчилигида станция атрофидаги йўлкаларга плитка ётқизишди. Шу трестнинг 2-ремонт қурилиш бошқармасига қарашли А. Мадаминов бригадаси эса Халқлар дўстлиги метро станцияси атрофида ободончилик ишларини олиб боришди.

Ҳозир трест меҳнаткашлари шаҳримиздаги бир қанча кўчаларни капитал ва жорий ремонтдан чиқаришмоқда. Новий Ульяновский кўчаси кенгайтирилмоқда. Бу ерда Т. Боқиев ва Ё. Аҳмедов бригадалари кунлик нормаларини ортиғи билан бажарган ҳолда меҳнат қилишмоқда. Икки километрдан иборат Боткина кўчаси кенгайтирилиб, асфальт ётқизиб бўлинди.

Ф. РАҲИМОВ.

... ТАКЛИФ ЭТАДИ ...

Гавжум бекатлардаги қулайсизлик

Акмал Икромов районидаги 21, 22, 23, 24, 25, 26-кварталларда истиқомат қилаётган аҳолининг аксариятқ 2, 13, 33, 41, 50, 75, 78-автобус ва 8 маршрутли таксилар хизматидан фойдаланишади. Улар ҳар куни Подмосковье бекатидан юқорида айтилган автобусларга чиқишади. Лекин минг афсуски бекатда йўловчилар учун ҳеч қандай қулайлик йўқ.

Бу ҳолни райондаги бошқа бекатларда ҳам кўриш мумкин. Акмал Икромов район ободонлаштириш бошқармаси раҳбарлари бу ҳақда ўйлаб кўришиб, йўловчилар учун бекатларга соябон ва ўриндиқлар ўрнатишни амалга оширишса айни муддао бўларди.

У. МИРЗАЕРОВ.

...ТАНҚИД ҚИЛАДИ

Ҳозирдан шунақа бўлса...

Биз Акмал Икромов районидаги Бешқайрағоч маҳалласида истиқомат қиламиз. Райондаги кўпгина маҳалла аҳолиси табиий газ билан таъминланган. Ҳозир ҳам бир қанча хонадонларни ана шундай беминнат газ билан таъминлаш давом этмоқда.

Бизни бир нарса ажаблантиради. У ҳам бўлса кунининг совуши билан табиий газ босимининг камайиб кетишидир. 17-октябрь куни ҳам газ босими бирдан пасайиб қолди. Ахир кунлар ҳали унча совуқ эмас-ку! Ҳозирдан шунақа бўлса, қишнинг қаҳратон палласида газнинг мутлақо бўлмаслиги турган гап экан-да. Бу ҳақда район газлаштириш идораси раҳбарлари ўйлаб кўришлари керак.

М. ФОЗИЛМУҲАМЕДОВ.

Туя гўшти еган сурат

Ҳусанбой ўғлини хурсанд қилгиси келди.

— Ўғлим, бир суратга тушиб қўясан!

Бола қувониб кетди. Икковлари етаклашиб Чилонзор Оқтепасидаги Есенин кўча, 1-уйга жойлашган 26-фотосалонга кириб келишди.

Сураткаш чаққон экан. Болани ўтқазиб, у томондан суратга олди, бу томондан суратга олди.

— Уч сўм 64 тийин берсангиз, суратни гатоп қиламиз,— деди жилмайиб.

— Қачон келамиз?

— Бугун 13 октябрь бўлса, бир ҳафтада тайёр бўлади-да. 19 октябрь куни кечки пайт хабар олинг.

Ҳусанбой 19 октябрь куни кечки пайт фотосалонга кирди.

— Эртага келинг, — деди салонда ўтирган қиз.

Ҳусанбой чиқиб кетди. Эртасига яна келди.

— Шунча сабр қилган яна уч кун кутиб турасиз,— деди ўша қиз.—23 октябрь куни келсангиз, суратни олиб кетасиз.

Ҳусанбой 23 октябрь куни ҳам борди.

— Қаранг, 25 октябрга келадиган бўлдингиз,— дейишди яна ўша оҳангда.

Алдагани бола яхши деган гап унчалик тўғри эмас. Ҳар гал дадаси эшикдан кириб келса, ўғли сурат қани деб, бўйинга тирмашадиган бўлиб қолди. Ҳусанбой фотосалонга яна борди. Тағин уч кун сабр қилишини сўрашди. 28 октябрда борган эди, энди 30 октябрда келасиз, дейишди. Ниҳоят унинг сабр-косаси тўлди.

— Бу қанақа бетайин жой ўзи!— деди аччиқланиб.

—Шовқин кўтарманг, бу жамоат жойи,— дейишди суратқашлар.

— Энди бир йўла байрамдан кейин келиб қўя қоласиз.

Ҳамкуласиз, куясиз

— Шунча пайтдан буён бошқа шаҳарда сурат олдирсам ҳам етиб келган бўларди, — деди у.

«Октябрь район маиший хизмат уйига қарашли «Фотореклама» комбинатининг 26-салонида ўтирган ёлғончилар бизни яна неча марта алдайди? — деб сўрабди Ҳусанбой Тожиматов.— Наҳотки фотореклама комбинатининг раҳбарлари шундай ходимлар билан ишлашга уялишмаса?!».

Бу саволга комбинат раҳбарлари, қолаверса Октябрь район маиший хизмат кўрсатиш уйидаги мутасадди ўртоқлар жавоб беришни маъқул.

Холодильник тузалмади

Ортиқ аканинг «Оазис» маркали холодильниги бирдан бузилиб қолди. Дарҳол Октябрь район «Сервис» устахонасига мурожаат қилишди.

Агрегатининг мазаси йўқ экан,— деди уста. Алмаштиришга тўғри келади.

Шундай қилишди. Агрегатни алмаштириб, 75 сўм олиб кетишди.

— Агарда янги агрегат қониқарсиз ишласа, дарров «Сервис»га айтинг. Бир йил гарантияси билан бепул тузатиб беради, — дейишди усталар.

Бу воқеа июль ойининг бошида бўлган эди. Буни қаранглар, бир ҳафтадан кейин янги агрегат ҳам қилиқ чиқара бошлади. Яна устахонага мурожаат қилишга тўғри келди. Уста келиб, холодильникнинг у ёғини кўрди, бу ёғини кўрди. Кейин тантана билан эълон қилди.

— Энди михдай ишлайди.

«Михдай» ишлайдиган агрегат уч кунда яна ишдан чиқди. Ортиқ ака хотинини ишдан қолдириб, устани пойлатди. Бошқа уста келиб, яна тузатдик, деб кетди-ю, фойдаси бўлмади.

Ўшандан кейин Ортиқ ака билан «Сервис»даги усталар ўртасида мушук-сичқон ўйини бошланди. Булар заявка берган куни уста келмайди, уста келган куни эр-хотин ишда бўлишади. Ҳар қалай сервисдагилар нонисофлик қилиша бошлашди. Бир кун борса, бугун қабул тамом бўлди дейишади. Бошқа кун борса, душанба куни келинг, дейишади. Энг ёмони шундаки, шанба ва якшанба кунлари «Сервис» ҳам дам олар экан. Оддий савол туғилади: оила аъзолари ишда бўлса, устани қандай кутишсин? Устахона вакиллари маъқул вақтни топиб, холодильникни тузатиб беришлари керак. «Бунақада бир йиллик гарантия ўтиб кетса, яна 75 сўм тўлайманми?— деб ёзибди ишчи О. Абдуллаев. Шомаҳмудов кўча 6-тупик, 4-уйда истиқомат қиладиган бу ҳамшаҳримизга «Сервис»дагилар беминнат хизматни аямасликлари керак.

ҲУШЁРБЕК.

✦ «УРОҚ ВА БОЛҒА» ИТТИФОҚИГА САДОҚАТ

РАҲМАТ

Сирдарё областининг Оқ олтин райони меҳнаткашлари КПСС XXV съезди КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, давлатга пахта топшириш бўйича планни 28 октябрда муваффақиятли бажардилар. Бу меҳнат галабасига Тошкент шаҳрининг Собир Раҳимов райони меҳнаткашлари ҳам муносиб ҳисса қўшдилар.

Визга Собир Раҳимов районидаги корхона ва ташкилотларнинг коллективлари 145 слесарь-ремонтчи ва механик-ҳайдовчи, 30 кўчма автоустахона, 20 юк прицепи, тракторлар учун 30 комплект олдинги ва орқа кўприк, тракторлар, бульдозерлар учун двигателлар ва бошқа техника, қурилиш материалларини юбордилар. Завод мутахассислари 70 пахта териш комбайнини, 280 трактор прицепини, кўпгина ёрдамчи бинолари ва дала шийпонларини ремонтдан чиқардилар. Пахта йиғим-теримига тайёргарлик пайтида бизга жами 450 минг сўмлик оталиқ ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари биз идеология ишларини ташкил этишда, маданий-оқартув тадбирларини ўтказишда катта ёрдам олдик.

Оқ олтин райони меҳнаткашлари яхши оталиқ ёрдами кўрсатаётган республикамиз пойтахтининг Собир Раҳимов райони меҳнаткашларига йиғим-терим мавсумида дўстона ёрдам қўлини чўзганликлари учун миннатдорчилик билдирадилар.

А. ЛУНЕВ,
Ўзбекистон КП Оқ олтин район комитетининг секретари.

• *Луқма*

ҚАЧОНГАЧА?

«Ташгазмонтаж» бошқармасидаги раҳбарларнинг ваъдабозлиги кичкина болага конфет бериб алдаганга ўхшайди. Нега дейсизми?

Куйбишев районидаги 112-мактабнинг иситиш шахобчалари марказий газ қувурига эрта баҳорда уланиши керак эди. Лекин бутун бошли ёз ўтиб, қиш ҳам келай деб қолди-ку уланадиган жойдаги йўл усти ўн метрча масофада уйдим-чуқур қилиб ташланган ҳолича ётибди.

«Ташгазмонт а ж » бошқармаси бошлиғи Г. Головлёвдан.

— Бу иш қачон поёнига етказилади? — деб сўрасангиз, «ана бўлади, мана бўлади» деб ваъдабозликдан нарига ўтмаётир. Ахир «ҳолва» деган билан оғиз чучимаганидек, 1500 ўқувчи таълим олаётган ўрта мактаб биносини қуруқ ваъда билан иситиб бўлмайди-ку! Ёки улар қор ёғса ишлар босилиб кетади қабилида иш тутишга ўрганиб қолишганми?

Д. ДАВРОНОВА.
хизматчи.



Шаҳримиз қиёфаси тобора ўзгариб бормоқда. Янгидан-янги массивлар ва хиёбонлар бунёд этилмоқда. Қўли гул қурувчиларимиз томонидан фойдаланишга топширилаётган осмонўпар бинолар эса шаҳар чиройига янада чирой қўшяпти. Ҳаваскор фатомухбир Н. Козинскийнинг редакциямиз га йўллаган ушбу суратида Ўзбекистон 50 йиллиги проспекти манзараси тасвирланган.

2 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

10 НОЯБРЬ, 1978 й.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИДА босилгандан кейин

«СОВУҚ СУВ МУАММОСИ»

Газетада юқоридаги сарлавҳа остида босилган материалда Қорақамиш массивидаги 24-уйда совуқ сув бўлмай, аҳоли қийналаётгани танқид қилинган эди.

Собир Раҳимов район ижроия комитетидан хабар қилинишича, бу масала ҳал этилган, уйга совуқ сув берилди.

«РЕМОНТГА МУҲТОЖ РЕМОНТ»

Газетанинг 25 август сонида Генерал Узоқов кўчасининг 2-проездида электр чироқларининг нормал ишламаётгани, хўжакўрсинга қилинган ремонт ҳам фойда бермагани танқид қилинган эди.

Шаҳар электр тармоқлари корхонасидан олинган жавобда электр чироқларини нормал ҳолга келтириш учун чора-тадбирлар кўрилаётгани маълум қилинади.

«САРСОН БЎЛЯПМИЗ»

Газетанинг 18 август сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган материалда Калинин ва Бешқалъа кўчаларида сув муаммоси одамларни қийнаётгани, бу ердаги водопровод тармоқларини шаҳарга улаш зарурлиги кўрсатилган эди.

«Водоканал» трестидан олинган жавобда трактор заводи турар-жой массивидаги водопроводларни шаҳар тармоғига улаш чоралари кўрилаётгани маълум қилинади.

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Д. МУҲАМЕДОВА: Шаҳримизда буюртма асосида аёллар плашчи тикиб берадиган устахоналар борми?

Жавоб: В. И. Ленин номли якка буюртмалар ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли кўпчилик ателеларда аҳоли буюртмалари асосида костюм, пальто, плашч каби кийимлар тикиб берилади. Уларнинг айримлари Марказий бозорда, Лабзак кўчасида жойлашган. Бирлашмага қарашли 1-модалар ательеси Киров кўчасида, 4-ателье эса Марказий универмаг атрофидаги трамвай бекати ёнида жойлашган.

* * *

А. САРСЕНБАЕВ: Бузилган дипломат портфелларини тузатиб берадиган устахона қаерда жойлашган?

Жавоб: шаҳримиздаги кўн-галантерея буюмлари ремонт қилинадиган барча устахоналарда дипломат портфелларини тузаттириш мумкин. Бундай устахоналар Олой бозори ва Марказий бозордаги маиший хизмат шаҳарчасида жойлашган.

* * *

И. БОБОЕВА: Тилла узугим пачақланиб қолди. Шаҳримизда уни тузатиб берадиган устахона борми?

Жавоб: Тилла узуклар «Техсложбитприбор» бирлашмасининг заргарлик буюмлар цехида тузатиб берилади. У Весна кўчасининг 223-уйида жойлашган. (2 ва 10-трамвайларнинг сўнгги бекати).

* * *

З. РАСУЛЕВА: Иш ҳақи сақланмаган отпуска кимларга берилади?

Жавоб: Айрим ҳолларда ходимга иш ҳақи сақланмаган отпуска берилиши мумкин. Бунда унинг иш жойи тўла сақланади. Аёлларга фарзанди туғилгандан кейин то бир ёшга тўлгунча иш ҳақи сақланмаган ҳолда отпуска берилиши мумкин. Худди шундай отпускалар ўрта махсус ва олий ўқув юртларига кириш имтиҳон топшираётган абитуриентлар учун, шунингдек, диплом лойиҳаси материалларини тайёрлаётган ўқув юртларининг кечки ва сиртқи бўлимлари студентлари учун ҳам берилиши мумкин. Бироқ бундай отпуска бир ойдан ошмаслиги шарт.

* * *

С. АНВАРОВ: Ёшларни ишга жойлаштириш комиссиялари қандай тадбирларни амалга оширадилар?

Жавоб: Улар бу йил ишга жойлашмоқчи бўлган ёшларни районлар, ташкилотлар, корхоналар ва муассасалар бўйича рўйхатга оладилар. Ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларини ишга жойлаштиришга ёрдам берадилар. Мактабларни битирган ўқувчиларни меҳнатга тайёрлашни назорат қиладилар. Касаба союз ва комсомол ташкилотлари билан биргаликда ёшларнинг кучидан тўғри фойдаланишни текширади.

* * *

А. ҲАБИБУЛЛАЕВ: Нормаланмаган иш кунлари ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: Айрим ҳолларда ходимга иш ҳақи сақланмаган отпуска берилиши мумкин. Бунда унинг иш жойи тўла сақланади. Аёлларга фарзанди туғилгандан кейин то бир ёшга тўлгунча иш ҳақи сақланмаган ҳолда отпуска берилиши мумкин. Худди шундай отпускалар ўрта махсус ва олий ўқув юртларига кириш имтиҳон топшираётган абитуриентлар учун, шунингдек, диплом лойиҳаси материалларини тайёрлаётган ўқув юртларининг кечки ва сиртқи бўлимлари студентлари учун ҳам берилиши мумкин. Бироқ бундай отпуска бир ойдан ошмаслиги шарт.

* * *

М. ЖУМАНОВ: Мен ўқишдан ажралмаган ҳолда шоферлик курсини битириш ниятида эдим. Бунинг учун қаерга мурожаат қилишим керак?

Жавоб: Октябрь районининг ДОСААФ клуби Хизматчи кўчаси 98-уйга жойлашган. Ишдан ажралмаган ҳолда ўқимоқчи бўлсангиз шу ерга мурожаат қилинг. Бу ердаги ўқиш кеч соат 6 дан 10 гача бўлади.

БУГУН – СОВЕТ МИЛИЦИЯСИ КУНИ

БУГУН совет милицияси ташкил этилганига 61 йил тўлди. Улуғ Октябрь революцияси жанглари алангасида туғилган совет милицияси Коммунистик партия ва совет халқига виждонан ва ҳалол хизмат қилиб келмоқда.

Совет милициясининг вужудга келиши билан, тарихда биринчи жамоат тартибини сақлашга хизмат қилувчи ҳақиқий халқчил орган вужудга келди. У омма билан боғланган бўлиб, эксплуататорлар жамиятида асрлар давомида мавжуд бўлган полициядан тубдан фарқ қилар эди. Полиция В. И. Ленин таъбири билан айтганда барча буржуа мамлакатларида ҳатто энг демократик мамлакатларда ҳам оммани эзиш қуроли бўлиб хизмат қилган.

Улуғ Октябрь ғалабаларини кўз қорачиғидек асраётган совет милицияси жамоат тартибини сақлаш билан бирга гражданларнинг ҳуқуқлари ва буюмларини баъзи жиноятчи элементлар томонидан поймол қилинишини асрамоқда. У тартиббузарликнинг олдини олиш борасида катта ишларни амалга ошириш билан жиноятчиликка қарши актив кураш олиб боряпти.

Совет жамияти коммунистик жамият қурилиши томон олдинга қадам ташлаган сари меҳнаткашларни ғолвий тарбиялаш, янги кишини камол топтириш муаммолари катта аҳамият касб этиб бормоқда.

Бу нарсалар шу кундаги хусусиятларнинг моҳиятини очиб берар экан, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев партия XXV съездида тарбия ишига комплекс ёндошиш зарурлигини, яъни ғоявий-сиёсий меҳнат ва ахлоқий тарбия ишларини меҳнаткашларнинг турли группалари хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қўшиб олиб бориш лозимлигини уқдириб ўтди.

Биз шахсий составни ахлоқий тарбиялаш ишларини кишиларда ҳаётда актив позицияга эга бўлишга, ижтимоий бурчига виждонан ёндошиш, сўз ва ишнинг амалий бирлигини таъминлашни шакллантириш билан қўшиб олиб бормоқдамиз. Булар ҳар бир ходимга тааллуқлидир.

Тошкент шаҳар партия комитети раҳбарлигида тартиббузарликнинг социал моҳиятларини аниқлашни ташкил этаётган республикамиз пойтахти милиция органларининг ходимлари жамоат ташкилотлари билан бўлган алоқаларини янада мустаҳкамлаб келмоқдалар. Улар халқ оммасига суяниб иш тутишяпти. Энг қийин ва мураккаб масалаларни ҳал қилишда жамоатчиликка суянмоқдалар. Фақат меҳнаткашлар халқ оммасининг актив иштирокидагина буржуа жамиятини сарқитлари бўлган камчиликларга қарши курашни авж олдириш, совет жамиятига хос бўлмаган нуқсонларни бартараф этишга эришиш мумкин.

Бундан бир неча йил муқаддам ички ишлар органлари бўлинмаларининг ходимлари ҳуқуқ темасида 3 мингдан зиёд лекция ва доклад қилдилар, суҳбатлар ўтказишди. Улар қонунчиликни, тартиббузарликка қарши курашни қандай ташкил қилинаётганини кенг тушунтириб бердилар.

Қатор йиллардан буён раҳбар ходимларни завод, корхона, олий ўқув юртлари, профессор ўқитувчилар составини ва студентлар, ётоқхона истиқоматчилари олдида бригада бўлиб чиқишларини ташкил қилиш муттасил практикадан ўтказиб келинмоқда. Жумладан, В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, тўқимачилик комбинати, Октябрь революцияси номли, «Ташсельмаш», «Узбексельмаш», «Таштекстильмаш», электрон техника, «Миконд», трактор, асбобсозлик, экскаватор заводлари, 153-қурилиш трести, 1-уйсозлик комбинати ва бошқа корхоналар, Чилонзор райони-даги ётоқхоналарда, шаҳримизлаги дам олиш барча олий ўқув юртларида ана шундай чиқишлар ташкил қилинди.

Ахлоқий тарбиялаш масалаларига, лекция ва оммавий агитация ишларини яхшилашга аҳамият берилмоқда. 800 дан зиёд лектор, сиёсий ахборотчи ва агитаторлар коммунистик ахлоқ нормалари ва принципларини, совет турмуш тарзини кенг пропаганда қилишмоқда. Кейинги вақтда юздан зиёд ходим шаҳар партия комитети ҳузуридаги кечки марксизм-ленинизм университетини битирди.

Бу йил Ички ишлар бошқармасида биринчи бўлиб кечки марксизм-ленинизм университетининг филиали ташкил қилинди. Унда 60 тингловчи таҳсил кўради. Бундан ташқари 30 ходим бевосита кечки университетда таълим олади.

Бўлинмаларимизнинг бошлангич партия ташкилотлари социалистик мусобақа шаҳсни ахлоқий камол топтиришда муҳим воситаларидан бири эканлигини яхши тушуниб, уни такомиллаштиришга алоҳида аҳамият бермоқдалар. Ҳақиқатдан ҳам социалистик мусобақа фақат касб маданиятини юксалтириб қолмасдан интизомни, коллективчиликни, дўстликни мустаҳкамлашга, ходимларга ўз ижоди, таланти-ни тўла намоён қилишга ҳам шароит яратади. «Ўз касбининг устаси» номини олиш учун ўтказилаётган қонкурсда қатнашаётган орган ва бўлинмаларнинг ходимлари ўз зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилишмоқда. Шунинг дек, энг яхши взвод, экипаж, смена, бўлинма, район ички ишлар бўлими, таянч пункти номларини олиш учун ҳам мусобақа ташкил қилинмоқда. 210 ходим ибратли меҳнати, хавфли жиноятчиларни аниқлаш ва қўлга туширишдаги вақтида кўрсатган жасоратлари, тартиббузарликни олдини олишда маълум ишларни амалга оширганликлари учун ҳукуматимизнинг олий мукофотларига сазовор бўлишди.

Тошкент шаҳри ички ишлар органларининг шахсий состави совет милицияси куниями ўз хизмат фаолиятини юқори даражага кўтариш ҳолда кутиб олмоқда. Аммо уларнинг олдида кўп вазифалар турибди. Улар бундан буён ҳам тошкентликларнинг унумли меҳнат қилишлари ва мазмунли ҳордиқ чиқаришлари-ни таъминлаш учун ўзларининг бутун куч ва имкониятларини ишга соладилар, республикамиз пойтахтида намунали тартиб ўрнатилишини таъминлайдилар.

И. САТТОРОВ,

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг бошлиғи, милиция генерал-майори.

• *Ҳамиша постда*
• *Жасурлик қонуни билан* • *Жамоатчилик ёрдамига таяниб*



Октябрь район ички ишлар бўлимининг участка инспектори, милиция катта лейтенанти Д. Трикачев, эксперт-криминалист С. Вахлюев, ички ишлар бошқармаси жиноят-қидирув бошқармасининг инспектори Б. Рўзиев, Давлат автомобиль инспекцияси техника назорати бўлимининг бошлиғи, милиция подполковниги У. Қурбонов, Ички ишлар бошқармаси ОБХСС бўлинмасининг бошлиғи, милиция катта лейтенанти В. Мелехов, Киров район ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари Р. Отаннёзов, милиция катта сержанти Б. Тўрабоев Совет милицияси кунини социалистик мусобақада катта муваффақиятларни қўлга киритиш билан кутиб олдилар. Г. Карпушев фотоси.

ҲАҚИҚИЙ ХАЛҚЧИЛ

Милициянинг оддий иш куни

ҲУШЁРЛИК КЎРСАТИБ

Тошкент шаҳар Совети Ички ишлар бошқармасининг бошлиғи И. Ғ. Сатторов Куйбишев район ички ишлар бўлимининг ходимлари: балоғатга етмаган ёшлар билан ишлаш бўйича участка инспектори милиция сержанти Д. Аҳроров, бўлинма командири милиция сержанти Ю. Солиев ва милиция сержанти Р. Аҳмадалиевга қимматбаҳо совғалар топширди, бу совғалар уларга жасурликлари учун топширилаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Масалан, милиция сержанти Д. Аҳроров бировнинг номусига тегишга ҳаракат қилган А. Инарбековни қўлга тушириб, район ички ишлар бўлимига келтирди. У шунингдек, такси ҳайдовчисига ҳужум қилган А. Анисимовни қўлга туширди.

Хизмат вазифасини ўтаб юрган милиция сержантлари Ю. Солиев ва Р. Аҳмадалиевга М. Горький проспектидаги уйларда истиқомат қилувчилардан бир группаси мурожаат қилиб, номаълум шахс «Восход» мотоциклини ўғирлаб кетганлигини хабар қилишди. Ходимлар дарҳол кўнгилли ёрдамчиларга мурожаат қилишди. Яқин атрофда яшаётган инсонлар ёрдамида ўғирлик қилган киши топилди. Кейинчалик маълум бўлишича жиноятчи аввал ҳам худди шу кўчадан «Электрон» моторолларини ўғирлаган экан.

ВАҚТ анча кеч бўлиб қолган. Одатда бундай пайтларда телефон кам безовта қилади. Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бошқармаси бошлиғи милиция полковниги Убайдулла Тожихонович Тожихоновнинг кабинетида бир группа ходимлар ўтиришарди. Кундузги қилинган ишлар, эртанги режалар ҳақида оҳиста суҳбат борарди.

Тўсатдан телефон жиринглади.

— Ўртоқ полковник,— трубкадан бошқарма биносига киравершдаги постда турган милицинонернинг овози эшитилди,—бир аёл қабул қилишингизни сўраяпти...

— Қўйиб юборинг! Орадан кўп ўтмай кабинетга баланд бўйли тўлагина қора соч аёл кириб келди. Саломлашишни ҳам унутиб тез гапира бошлади:

— Ёрдам беринг, бундан бир неча минут илгари номаълум уч киши квартирамизга бостириб кириб, пичоқ билан қўрқитиб, жами қимматли буюмларимизни олиб кетди.

Кабинетлаги соат миллари вақт 12 дан ошганлигини кўрсатарди.

Ҳамма чарчаган, аммо вазият тез ва аниқ ҳаракат қилишни тақозо этарди. Орадан бир неча минут ўтгач бошқармадан оператив ходимлар ва оператив-техника бўлимининг эксперти минган машина жўнаб кетди.

Ҳорғинлик унутилиб, янги куч пайдо бўлгандек туюлди. Телефон узлуксиз жиринглайди, бирин-кетин ходимлар келиб-кетиб турибди. Вақт сезилмай ўтади.

Шаҳар уйқуда. Милиция машиналари оператив группаларни пойтахтнинг турли бурчакларига етказиб қўйиш билан машғул.

У. Тожихоновнинг кабинетида телефон жиринглаганда тонг ота бошлаган эди:

— Ўртоқ полковник, жиноятчилар ушланди. Бошқармага кетяпмиз. Доклад қилувчи капитан Андреев!

Кабинетдагилар беихтиёр соатларига қарашди: соат 7 дан 13 минут ўтган экан. Шундай қилиб бир туннинг ўзида хавфли жиноят фош этилиб, бир неча марта судланган ашаддий уч жиноятчи қўлга олинди.

Мен жиноят-қидирувчиларнинг оддий иш кунларидан бир лавҳа ҳикоя қилдим холос. Милициянинг барча бўлинмаларида хизмат қилиш оғир, аммо жиноят-қидирув аппаратидаги хизмат ундан юз карра машаққатлидир. Бизга кўпинча ўз изини усталик билан яширадиган, кўз илғамас жамоат тартибини бузувчиларга қарши курашишга тўғри келади. Жиноий ишни очиб ташлаш мураккаб жараён бўлиб алоҳида қобилият, профессионал маҳоратни талаб қилади.

Коллективимиз ёш, ходимларнинг аксариятини Ички ишлар министрлиги Тошкент олий мактабини, университет юридик факультетини битирганлар ташкил этади. Коллективни эса ветеранлар: милиция полковниги Ш. Д. Успанов, милиция подполковниклари К. И. Йўлдошев, З. И. Йўлдошев, милиция майорлари Г. Л. Доценко, Ғ. Х. Тўлаганов, Н. А. Мельников, милиция капитани А. С. Расулев ва бошқалар жипслайди.

Улар ўз тажрибаларини ёшлар билан баҳонидил баҳам кўрадилар, кабинетларда эмас, бевосита хавфли, мураккаб жиноятларни фош этиш жараёнида шогирдларда малака ҳосил қиладилар. Бошқармада бир нарса қонун бўлиб қолган: жиноятни очишга йўл оладиган барча оператив группа-туннинг ўзида хавфли жиноят фош этилиб, бир неча марта судланган ашаддий уч жиноятчи қўлга олинди.

Мен жиноят-қидирувчиларнинг оддий иш кунларидан бир лавҳа ҳикоя қилдим холос. Милициянинг барча бўлинмаларида хизмат қилиш оғир, аммо жиноят-қидирув аппаратидаги хизмат ундан юз карра машаққатлидир. Бизга кўпинча ўз изини усталик билан яширадиган, кўз илғамас жамоат тартибини бузувчиларга қарши курашишга тўғри келади. Жиноий ишни очиб ташлаш мураккаб жараён бўлиб алоҳида қобилият, профессионал маҳоратни талаб қилади.

Коллективимиз ёш, ходимларнинг аксариятини Ички ишлар министрлиги Тошкент олий мактабини, университет юридик факультетини битирганлар ташкил этади. Коллективни эса ветеранлар: милиция полковниги Ш. Д. Успанов, милиция подполковниклари К. И. Йўлдошев, З. И. Йўлдошев, милиция майорлари Г. Л. Доценко, Ғ. Х. Тўлаганов, Н. А. Мельников, милиция капитани А. С. Расулев ва бошқалар жипслайди.

Улар ўз тажрибаларини ёшлар билан баҳонидил баҳам кўрадилар, кабинетларда эмас, бевосита хавфли, мураккаб жиноятларни фош этиш жараёнида шогирдларда малака ҳосил қиладилар. Бошқармада бир нарса қонун бўлиб қолган: жиноятни очишга йўл оладиган барча оператив группа-

Биз—жиноят-қидирув бошқармасидамиз

Султонов ва бошқаларнинг номини фахр билан тилга оламиз.

Мамлакатимизда тартиб бузишлар характери ўзгарганига кўп вақт бўлди, жиноятчиларга қарши курашнинг шакл ва усуллари ҳам ўзгарди. Жиноятлар муқаррар камайиб бормоқда. Илгари жиноят-қидирув ходимлари фақат ўз ҳис-туйғуларига, жасоратларига таянган бўлсалар, ҳозир милиция ходимларига кенг профилактика, фан-техника ютуқлари ёрдамга келди. Аммо бизнинг энг яқин ва содиқ кўмакдошимиз — совет кишилари, жамоатчи ёрдамчиларимиздир. Жиноят-қидирув органларининг кучи ҳам, жиноятларнинг тез фош этилишининг сабаби ҳам ана шунда.

Жиноят-қидирув бошқармаси ходимларининг оператив-қидирув фаолияти, жиноятчиликка қарши курашнинг шакл ва усуллари мунтазам такомиллашиб бормоқда. Бу биринчи навбатда тартиб бузишларнинг олдини олишни таъминлаш вазифалари билан боғлиқдир. Бу соҳада ҳам милиция ишининг чинакам кадрлари етишиб чиқди. Ю. И. Агафонов, Р. И. Дзиновский, Н. А. Фокичева, И. Н. Золотавин, Э. Эгамбердиев, Х. Олимхўжаев, С. И. Плотников, Б. Боймётов, У. Ҳасанов, Л. В. Шербакова, Р. Х. Яфаров, А. С. Козлов ва бошқалар жумласидандир.

Мабодо кимнингдир бошига ташвиш тушиб, ёрдамга келган кишилар «Биз — жиноят қидирув бошқармасидамиз» дегудек бўлса ишонаверинг, улар ёрдам бериш учун қўлларидан келган ҳамма ишни қиладилар.

А. КАРАСИК,

милиция подполковниги, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси жиноят-қидирув бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

ЖАСУРЛИК ҚОНУНИГА БИНОАН

Кўлдаги воқеа

Ўша совуқ куни милиция кичик сержанти Николай Лексин ўз «газигида» Сергели районидаги Коммунистик шанбаликнинг 50 йиллиги номли боғда хизмат вазифасини ўтар эди.

Бир вақт у кўл томонидан ёрдамга ундовчи товушни эшитди. Николай машина рулини ўша томонга буриб тезликни оширди. Автомашина фараси муз устида қалқиб турган ёш қизчани ёритди.

— Нима бўлди? — машина кабинасидан отилиб тушган кичик сержант қизчага мурожаат қилди. Ҳали жавоб бўлмасданоқ қизча кўринмай қолди. Ўйлаб ўтирмай, Николай муз устидан воқеа содир бўлган томон югурди. У белгиланган ерга етиб бориши биланоқ оёқлари остидаги муз ёрилиб кетди. Николай чўкиб бораётган қизчани кийимидан ушлаб олди.

Жабрланувчини бир қўли билан ушлаб, иккинчи қўли билан қирғоққа томон суза бошлади. Бироқ совуқ сув ва шалаббо кийимлари борган сари ҳаракатни қийинлаштирарди. Кичик сержант ҳолсизланиб бораётганлигини сезди. Шу чоқ унга ёрдамга етиб келишди. Сергели район ички ишлар бўлимининг милиция лейтенанти Владимир Рибалченко ва милиция старшинаси Нурмуҳаммад Баратов Лексинга қирғоққа сузиб чиқишда ҳамда қизчани қутқаришда ёрдам беришди.

Бир неча минутдан сўнг Николай Лексин ўзи қутқарган Сергели районидаги 6-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Люда Букреевани машинада уйига элтиб қўйди.

Милициянинг оддий иш куни

Жиноятчилар ушланди

Кўча четида турган «Жигули» томон келаётган киши машина олдига яқинлашди-ю, қотиб қолди. Машина эшиги очиқ бўлиб, автомобиль салонидан «Спидола» радиоприёмниги йўқолган эди. Автомашина эгаси вақт ўтказмай дарҳол Давлат автоинспектори милиция сержанти Сотволди Жалиловга мурожаат қилди. Инспектор хизмат ўртоғи милиция катта сержанти Николай Иванов билан биргаликда жиноятчилар изидан тушди. Автомобиль атрофида айланиб юрган номаълум шахсларни кўрган гражданлар ҳам топилди. Улар бу шахсларнинг баъзи белгиларини айтиб беришди.

Орадан кўп ўтмай, жиноятчилар қўлга олинди. С. Жалилов, Н. Ивановнинг оперативлиги натижасида ўғрилар судининг қора курсисига ўтиришди. Радиоприёмник эса эгасига қайтариб берилди.



Йўл-транспорт ҳодисаларининг моҳиятини ўрганишда Давлат автомобиль инспекцияси ходимлари томонидан ўтказилаётган илмий-техника экспертизаси маълумотлари муҳим роль ўйнамоқда.

СУРАТДА: Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси Давлат автомобиль инспекциясининг эксперти, милиция капитани В. Дрига.

М. Татарников фотоси.

ТАЯНЧ ПУНКТИНИНГ ТАШВИШЛАРИ

... Куйбишев район ички ишлар бўлимининг ходимлари Р. Йўлдошев ва Н. Тян ярим кечада автостанциядан ўтиб боришаётганида яшчик кўтариб бораётган икки ўсмирни кўриб қолишди. Милиция мотоциклини пайқаган ўсмирлар яшчикни ташлаб, ўзлари қочиб кетишди. Уларни кўп ўтмасдан Тошкент трактор заводи таянч пунктининг аъзолари милиция пунктига келтиришди. Ўғирланган яшчик ҳам олиб келинди. Унинг ичида лимонад бор эди. Ҳунар-техника билим юртининг ўқувчилари Валерий Сташчук ва Йўлдош Раҳимов «Газ сув» киоскасининг эшигини синдириб, чанқоқ қондирмоқчи бўлишибди. Уларнинг мақсади фақат шу эдими?

Ҳодиса трактор заводи таянч пункти советининг муҳокамасига кўйилди. Узоқ тортишувлардан кейин тартиббузарликнинг олдини олиш учун участкалардаги кўнгилли халқ дружиналарини ихтисослаштиришга келишилди. Бу биринчи навбатда жиноят қилишга мойил бўлган шахслар билан алоҳида суҳбат ўтказиш имконини беради. Иккинчидан, огоҳлантириш ишлари ўз ичига жуда кўп масалаларни қамраб олади.

Агар микрорайоннинг социал-иқтисодий жиҳатдан тез суръатлар билан ривожланиб бораётганлиги, турар жой массиви кенгайиб бораётганлиги ҳисобга олинадиган бўлса, тартиббузарликнинг олдини олиш ишлари ҳам катта аҳамият касб этиб бораётганлигини кўриш қийин эмас. Шунинг учун ҳам бу ерда жамоатчи ташкилотларининг иши, совет аъзоларининг фикрлари ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Завод партия комитети огоҳлантириш секцияларининг раҳбарлигига ва дружина командирлигига тавсия қилинган кишилар билан мукаммал танишиб чиқди. Кейин бундай лавозимларга аҳамият билан қарайдиган коммунист ва комсомоллар тайинланди. Ҳаммаси бўлиб 30 киши саралаб олинди. Кўнгиллилар сафига асосан ишлаб чиқариш илғорлари, завод ветеранлари, партия, касаба союз ва комсомол активлари киритилди. Кўнгилли халқ дружиначилари ишни катта қизиқиш ва интилиш билан бошлашди. Аммо улар тартиббузишлар қандай вужудга келишини аниқлашда қийналишарди.

Ҳақиқатдан ҳам дастлабки кунларда қийин бўлди. Тажриба етишмасди. Вақт ўтиши билан аҳоли уларга кўмаклаша бошлади. Иш юришиб кетди.

Бир марта шундай ҳодиса бўлди. Заводда слесарь бўлиб ишловчи Г. Герасименко ўз уйининг олдида бошқаларни ҳақорат қилаётган ўсмирни ушлаб, уни таянч пунктига олиб келди. Ўсмир болалар инспектори ихтиёрига топширилди. Шунда дружина командири Геннадий Васильевич кўнгиллилар сафига киришни таклиф қилди. Геннадий қаршилик кўрсатмади. Шу куни у таянч пунктида қолди. Ҳозир у советнинг энг актив аъзоларидан бири.

Умумий огоҳлантириш ишларини турар жойдаги огоҳлантириш ишлари билан қўшиб олиб бориш йўлга қўйилди деса бўлади. Аммо худди шундай вазифани меҳнат коллективлари билан йўлга қўйиш ҳали ҳал қилингани йўқ. Қисқа қилиб айтганда имкониятлар жуда кўп. Лекин бу имкониятлардан тўла фойдаланилмаяпти.

Бир вақт микрорайонда жазо муддатини ўтаб келган Н. Жданкинни исмли одам пайдо бўлиб қолди. У узоқ муддат ҳеч қаерда ишламади. Қандай маблағ ҳисобига яшаётганлиги ва ароқ ичаётганлиги ҳам номаълум эди. Таянч пунктининг ходимлари назорат ўрнатишди. Улар Жданкинни ишга қабул қилинг, деб завод маъмуриятига мурожаат қилишди. Айни пайтда бу «ишчини» алоҳида назоратга олишни ҳам уқдириб ўтишди.

«Ҳозир у ичаётгани йўқ»— дейди Жданкиннинг қўшнилари.

Микрорайонда истиқомат қилувчи В. Воротинцевга нисбатан кўрилган чора-тадбирлар ёрдам бермади. Уни икки марта ишга жойлаштириб қўйишди. Икки марта ишга чиқмаганлиги ва ичкиликка руҳу қўйганлиги учун у ишдан бўшатилди. Маъмурият томонидан ва таянч пункти томонидан қаттиқ огоҳлантириш ҳам ёрдам бермади. Шундан кейин уни мажбурий даволашга жўнатишди. Шу ерда бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Ҳамма вақт ҳам тартиббузарликнинг олдини олиш соҳасида турар жойларда ва корхоналарда олиб борилаётган ишларнинг уйғунлашувига эришиб бўлмаяпти.

— Бизнинг назаримизда,— дейди В. Литовченко,— тарбияси қийин бўлган ёшларга чора кўришнинг мактабда ва ишлаб чиқаришда ҳам аниқ бир системаси бўлиши, тартиббузарлар меҳнат қилаётган корхона ишчилари уларнинг ота-оналарига ҳам таъсир кўрсатишлари керак. Шунинг учун ҳам биз ўсмирлар билан иш олиб борувчи сектор ташкил қилмоқчимиз.

М. МАДАЛИЕВ,

Тошкент шаҳар Совети Ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг ходими, милиция майори.

КЎЧАЛАРИМИЗ ПОСБОНЛАРИ

ОЛҚИШГА САЗОВОР ЙИГИТ

Пойтахт Давлат автоинспекциясининг навбатчилик бўлимида телефон ташвишли жиринглади.

— Ёрдам беринг, — ҳаяжонли овоз эшитилди ундан. — ММЗ—555 самосвалини миниб қочишди.

Машинанинг ўғирланиши фавқулодда ҳодиса ҳисобланади. Ким билсин, машина кимнинг қўлига тушди экан? Балки, уни тажрибасиз ёш йигитлар ўғирлашгандир, балки машина рулига ўтирган киши ашаддий жиноятчидир, балки мастликда ана шу жазоратга бел боғлаган ичкиликбозликка мукасидан кетган бир шахсдир. Жиноятчи ким бўлишидан қатъий назар уни дарҳол ушлаш лозим.

— Айтинг, — илтимос қилди навбатчи, — мен ёзиб оламан. Давлат автоинспекцияси ходими самосвал номери ва серияси-ни ёза туриб ручкани ерга қўйди.

— Кечирасиз, — ҳайдовчининг сўзини бўлди у, — сизнинг машинангиз Собир Раҳимов район милиция бўлимида. У инспектор томонидан ушланди. Нега бундай бўлиши мумкин эмас дейсиз?... Марҳамат... Хайр.

Давлат автоинспекциясининг йўл назорати инспектори старший сержант Толиб Ортиқбоев шаҳарнинг энг серқатнов кўчаларидан бири Ленин проспекти ва Софийская кўчасида ўз постида турарди. Инспекторнинг тажрибали нигоҳи автомобиллар оқимини бўлаб келаётган самосвалга тушди. Самосвални бошқариб бораётган киши қандай бўлмасин машиналарни қувиб ўтишга ҳаракат қиларди. У инспекторнинг тўхташ ишорасига ҳам қулоқ солмади. Т. Ортиқбоев дарҳол кўчадан ўтиб бораётган енгил машинани тўхтатиб, самосвал орқасидан йўл олди. У самосвални қувиб ўтиб, ҳайдовчига машинани тўхтатиш ҳақида кўрсатма берди. Бироқ шофер ўжарлик қилиб яна тезликни оширди. Сўнгра катта тезликда кетаётган машинани кескин тўхтатиб, кабинадан сакраб тушди-да қоча бошлади. Инспектор жиноятчини қувиб бориб ушлади ва шу атрофдаги район милицияга бўлимига топширди.

Бу ерда маълум бўлишича жиноятчи икки марта судланган шахс экан. Учинчи марта суднинг қора курсисига ўтиришдан қўрқиб, инспектордан қочмоқчи бўлибди.

Тилла йигит, дейишади Толибнинг раҳбарлари ва ҳамкасблари у ҳақда. У ҳамма вақт хушчақчақ, дўстларига нисбатан ғамхўр, ўз ишини эса жон-дилидан севади. У ҳақда гап борар экан ҳўстлари ҳазиллашиб Толибнинг иши доимо ўнгидан келади деб қўйишади. Бунинг боиси бор албатта. Йўл қоидасини бузган ҳайдовчи ундан қочиб қутулолмайди. Қилмишига яраша жазолайди. йўл-йўриқ кўрсатади. Жумладан шу йилнинг ўзида Толиб 20 дан ортиқ ҳайдовчи ичкилик ичиб рулга ўтирганлигини аниқлади.

Т. Ортиқбоев ўз касбига ёшлигидан меҳр қўйган. У 8-синфни тугаллаб ишчи-ёшлар мактабида ўқиди. Шу билан бирга Тошкент шаҳар автотрестига қарашли марказлаштирилган юк ташиш 2502-автоколоннаси гаражида слесарь бўлиб ишга кирди. Кейин ҳаво десанти қўшинларида хизмат қилди. Армиядан қайтгач автохўжаликда ўз ишини даванг эттириш билан бирга шоферлик курсида ҳам ўқиди.

1970 йили бир вақтлар отлиқ милицияда хизмат қилган отасидан эстафетани қабул қилиб, Толиб пойтахт Давлат автоинспекциясига ишга ўтди.

Дастлаб енгил бўлмади. Чунки йўл назорати инспекторининг ҳуқуқи қанча катта бўлса, унинг зиммасига юклатилган вазифа ҳам шунчалик катта эди. Бунинг устига инспектордан катта масъулият талаб қилинади. Армия хизматидан чиниқиб келган Толиб қийинчиликларни муваффақият билан енги-ди.

Кўп ўтмай унинг кўкрагини «Милиция аълочиси» нишони безади. Яқинда эса Толибга «10 йил аъло хизмат қилгани учун» медали тантанали равишда топширилди.

Хизмат... у автоинспектордан доимо ҳушёрликни талаб этади. У кўча қоидасини бузган кишилар билан суҳбатлашиш, қоидабузарларни тартибга чақириш керак. Шундай қилмаса йўловчиларнинг ўзбошимчалиги натижасида кўнгилсиз ҳодиса содир бўлиши мумкин. Бунга у ўз ташаббусидан ишонч ҳосил қилган. Йўл назорати инспектори қоидабузарларга, ичкилик ичиб машина рулига ўтирган шоферларга қарши муросасиз курош олиб бориши керак. Буни Т. Ортиқбоев жуда яхши тушунади. У эрталаб ҳам, кечқурун ҳам ўз жанговар постида ҳамиша сергак.

Л. ОФФЕНГЕНДЕН.

ЗЮШКЕНТ
ВЕЧЕРНИЙ ТОШКЕНТ
10 НОЯБРЬ, 1978 й.

физкультура ва СПОРТ

• «Пахтакор»нинг рақиблари

«Динамо» (Киев)

ЭРТАГА МАРКАЗИЙ «НАХТАКОР» СТАДИОНИДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА МАМЛАКАТ БИРИНЧИЛИГИНИНГ ОЛИЙ ЛИГАСИДА ҚАТНАШАЁТГАН «ПАХТАКОР» КИЕВНИНГ «ДИНАМО» КОМАНДАСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Бу команда мамлакатимиздаги энг кекса футбол клубларидан бири ҳисобланади. У 1927 йилда ташкил қилинган. 1936 йилдан буён киевлик динамочилар узлуксиз олий лигада қатнашиб келмоқдалар. Улар саккиз марта мамлакат чемпиони унвонини қўлга киритишган, саккиз марта мавсумни иккинчи ўринда якунлаганликлари учун кумуш медаль билан тақдирланганлар, бир марта мамлакат биринчилигида бронза медалини қўлга киритишган.

Киевлик футболчилар беш марта СССР Кубогини қўлга киритишган. Бу йил ҳам улар биллур соврин учун бўлган ҳал қилувчи беллашувда Донецкнинг «Шахтёр» командаси футболчилари билан майдонга чиқишди. Бу сафар омад донецклик спортчиларга ёр бўлди.

Киевнинг «Динамо» командаси совет командалари орасида халқаро миқёсда энг кўп шуҳрат тараттан команда ҳисобланади. 1977 йили киевлик футболчилар Европа мамлакатлари Кубогини қўлга киритишга муваффақ бўлишган. Худди ўша йили Европа чемпионлари Кубоги соҳиби бўлган Мюнхен шаҳрининг «Бавария» командаси билан ўтказилган икки учрашув якунига кўра, Европа Супер Кубогини қўлга киритган.

Команда ва унинг ўйинчилари қуйидаги совринларни қўлга киритишган: — жумладан — етти марта Э. Федотов номли, олти марта «Пирик ҳисоб билан», олти марта «Тўплар нисбатининг яхшилиги учун», беш марта «Байроқ шарафи» ва бошқа совринларни соҳиби бўлган. В. Банников ҳамда Е. Рудаков эса уч мартадан энг яхши дарвозабон сифатида «Огонёк» журнали совриниги олишган. О. Блохин эса уч марта чемпионатнинг энг яхши ҳужумчиси номига сазовор бўлди ва унга «Труд» газетасининг совриги тақдим этилди.

Мамлакат чемпионатларида ўз клуби учун энг кўп майдонга тушганлардан бири В. Турянчикдир. У ҳаммаси бўлиб 308 марта команда шарафини ҳимоя қилган. Рақиб дарвозасига юз мартадан ортиқ тўп киритиб, Г. Федотов номли клуб аъзоси бўлган О.Блохин клубнинг энг яхши ҳужумчиси номини оқлаб келмоқда. О. Блохин (1974 йили) мавсум давомида 20 марта рақиб дарвозасига тўп киритиб рекорд натижага эришган.

Команданинг катта тренери, спорт мастери, СССР да хизмат кўрсатган тренер В. Лобановскийдир. Ҳозир команда дарвозасини В. Юрковский ҳимоя қилмоқда. Ҳимоя линиясида М. Фоменко, В. Зуев сингари тажрибали ўйинчилар ўйнашади. Уларга ёш ўйинчи А. Бережной ёрдамлашмоқда.

В. Колотов, В. Буряк, А. Коньковлар динамочиларнинг энг кучли ярим ҳимоячиларидир. Ҳужумда эса таниқли футболчилар О. Блохин, В. Онишченко, В. Бессонов, А. Хапсалислар ўйнашади.

Мамлакат биринчилигида «Динамо» ва «Пахтакор» командалари ўртасида бўлиб ўтган учрашувларда киевликлар 14 марта галаба нашидасини суришган, тўққиз учрашув дуранг ҳисобда ва тўрт учрашув эса тошкентликларнинг галабаси билан якунланди.

Биринчи даврада ҳам бу командалар ўртасида бўлган учрашув 2:2 ҳисобида дуранг натижа билан тугади. Мана шу натижани қўшиб ҳисоблаганда пахтакорчилар киевликлар дарвозасига 26 марта тўп киритиб, ўз дарвозаларидан 44 марта тўп ўтказиб юбордилар.

Бугун 41-мамлакат футбол чемпионати ниҳоясига етмоқда. Мамлакат чемпиони эса олдиндан маълум бўлди. Бу Тбилисининг «Динамо» командасидир. Киевликлар эса фахрли ўрин учун курашмоқдалар. Шунинг учун ҳам эртага бўладиган матч пахтакорлар учун жуда оғир ва жанговар бўлади.

МУСОБАҚАЛАР ХРОНИКАСИ

Фрунзе шаҳрининг юз йиллигига бағишлаб ўтказилган теннис бўйича «Дўстлик» турида тошкентлик спортчилар ҳам иштирок этишди. Ва қилларимиз барча учрашувларни ўз фойдаларига ҳал қилиб асосий совринни қўлга киритишга муваффақ бўлдилар. Виктор Дербичев, Николай Поляков, Валентина Овчинникова, Ирина Пановлардан иборат пойтахтимиз командаси катта маҳоратга эга эканлигини намойиш қилди.

* * *

Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитети соврини учун замонавий беш кураш мусобақаларида мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан келган қирқдан зиёд спортчи иштирок этди.

Беллашувларда республикамиз вакиллари муваффақиятли қатнашдилар. Жумладан, спорт мастери И. Красавцев 5297 очко тўплаб биринчи ўринни эгаллади. Спорт мастери Ю. Кимейкин эса иккинчи бўлди.

АНЪАНАВИЙ СОВРИН УЧУН

Енгил атлетикачилар Ўзбекистон ССР Министрлар Совети таъсис этган анъанавий соврин учун мусобақалашдилар. «Спорт қироличаси»нинг уч юздан зиёд мухлиси «Пахтакор» стадионининг югуриш йўлларига ва секторларига чиқишди. Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Новосибирск спортчилари ҳам шу соврин учун беллашгани Тошкентга келишди. Программага енгил атлетиканинг 36 тури бўйича мусобақалар киритилганди.

Бош соврин — кубок умумий ҳисобда Самарқанд ва Фарғона области терма командаларидан ўзиб кетган тошкентлик спортчиларга топширилди.

Бир йўла икки спортчи — душанбеликлар енгил атлетикачи Дмитрий Мирошниченко билан Ўзбекистон давлат физкультура институтининг битирувчиси Владимир Критининг юз метрлик масофага югуришда бир хил натижага (10,6 секунд) эришди. Фотофиниш шахсий ҳисобда тожик спортчиси голиб чиққанини билдирди. Ўзбекистон физкультура институтининг яна бир битирувчиси — Юрий Гребенюк ҳам мусобақада муваффақиятли қатнашди. У уч ҳатлаб сакрашда 15 метр-у 16 сантиметр натижага эришди.

Фарғоналик 13 ёшли мактаб ўқувчиси Маргарита Жупикова 3000 метр масофага югуришда хотин-қизлар орасида маррага биринчи бўлиб етиб келди. Унинг ҳамшаҳри Любовь Кирюхина 800 метрга югуришда (2:11,0 секунд) голиб чиқди.

— Мусобақалар катта спорт мавсумининг якунловчи қисми бўлди, — деди СССР терма командасининг Ўзбекистон бўйича давлат тренери В. Филиппов. — Мусобақалар ҳам спортчиларнинг, ҳам республика енгил атлетика мактабларининг беллашувларига якун ясади. Ҳозир бизнинг терма командамиз келгуси йилнинг ёзида ўтказиладиган СССР халқлари VII спартакиадасига тайёргарликни бошлаб юборди. Ўзбекистоннинг бир қатор етакчи енгил атлетикачилари йирик Бутуниттифоқ ва халқаро турнирларда иштирок этиш учун СССР терма командаси составида машқ қилишга чақирилган.

(ЎзТАГ).

АЛЬПИНИСТЛАР ҒАЛАБАСИ

«Меҳнат» кўнгилли спорт жамияти Марказий Советининг терма командаси альпинистлари баландликка чиқиш класида Коммунизм чўққисига кўтарилиб, мамлакат чемпионатининг кумуш совриндори бўлдилар. Бу мукофотни командада составида тошкентлик А. Путинцев (группа раҳбари), В. Воронин, Г. Калинин, шунингдек, фарғоналик спортчилар — Л. Громов ва Г. Мулюков бўлган команда қўлга киритди.

Уларнинг олтин медаль олишларига 0,05 балл етмай қолди. Фахрли ўринни Ленинграднинг «Труд» командаси альпинистлари эгалладилар.

(ЎзТАГ).



Абдулла Қодирий номли маданият уйи қошида ташкил этилган 11 тўгаракда Киров районидаги ўқув юртлари, қурилиш ва корхоналарнинг 130 дан ортиқ ишчи-хизматчи ҳамда студент ва ўқувчилари қатнашадилар. Бу ерда бир неча йилдан бери ишлаб турган бадиий ҳаваскорлик тўгараги коллективи сафи тобора ортиб бормоқда. Тўгарак қатнашчилари тез-тез район меҳнаткашлари ҳузурида бўлишиб, ўз маҳоратларини намойиш этадилар.

СУРАТДА: ўзбек халқ чолғу ансамбли қатнашчиларидан бир группасини кўриб турибсиз.

М. Нуриддинов фотоси.

✦ АЖОИИБОТЛАР ОЛАМИДА

МИРОБ

Юқори жар тоғли қишлоғидан, деҳқон боласи Мамед туғилган куни сайхонликка каштан дарахтлари ўтказган эди. Шу тариқа одам боласи ҳам, дарахтлар ҳам биргаликда ўсаверди. Эндиликда қуюқ барглари танасини деярли ёпиб турадиган дарахтларнинг ҳар бири ўн қулоч келади. Мамед Алиев ҳозир 95 ёшда. Бинобарин, каштанларнинг ёши ҳам шунча.

Район маркази Закатали ва атрофдаги қишлоқларнинг аҳолисига обиҳаёт бахшида этадиган зилбан-чой қувурлари деярли асрий дарахтларнинг пойидан бошланади. Бу дарё ўжар ва асов дарёдир. Сув тошқини пайтида дарё қорамтир тусга кириб кўтарилади, бутун атрофни сув босиб кетиш хавфи туғилади, зилбанчай ёзнинг жазирама кунларида ўзининг илонизи ўзанида харсанг тошларни ҳам оқизиб кетади.

Одамлар узлуксиз сув ичиб туришлари зарур. Мамед Алиев мана, ярим асрдан кўпроқ вақтдан бери сувнинг узлуксиз оқишини кузатиб турибди. Бунинг устига у сувнинг шу атрофдаги муаттар ўрмонзорлар ҳавосидек тоза бўлиши учун ҳам қайғуради.

Ўртабўй, қотма, оқ сочлари ҳалиям диккайиб турадиган бу киши сув қувури бош иншоотларининг мутасаддисидир. Унинг хўжалигида ҳовузлар, сув тиндириладиган жойлар, фильтрлар бор. Умр кечган йиллар юки оғирлигидан елкалари чўккан кишига бу иш оғирлик қилмайдими?

— Мени қартайиб қолган деб ўйлайсанми? Қани, қўлингни бериб кўрчи?

Дарҳақиқат, Мамед бобонинг ҳали кучи бор. Орадан бир дақиқа ўтармас мироб абжирлик билан ғилдирак лўкидонини айлантириб, сув оқимини бир маромга солади, сув тиндириладиган жойдан эса обиҳаёт айқириб, қувурга тушади.

Мамед Алиевнинг деярли бутун умри тоғ атрофида ўсган дарахтар билан ўраб олинган мана шу сайхонликда ўтди. Ҳамкишлоқлари Мамед бобо юқори жарликда энг ёши улуғ қария, у ўзининг иш жойини ҳеч қачон тарк этмайди, дейишади. Мамед бобо қишин-ёзин, иссиқ-совуқда ҳам одамлар сувни қониб ичсин, деб мироблик қилади.

Кўпдан-кўп фарзандлар, неваралар, аваралари камолга етказган тоғлик оқсоқол шамоллаш нималигини билмайди. Қария бўш вақтида ўзининг унча катта бўлмаган боғчасида куйманишти, полизида ишлашни хуш кўради. Мамед бобо олис сафарларга камдан-кам чиқади.

— Албатта, менга кўриш насиб этган Бокуда ҳам, Тбилисида ҳам, Ереванда ҳам, — дейди М. Алиев, кўпдан-кўп ажойиб нарсаларга дуч келиш мумкин. Лекин тоғдан, ўрмондан кўра яхшироқ жой борми?

Озарбайжон ССР, Закатали.

(ТАСС).

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

* РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА *

ТЕАТР

НАВОИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 11/XI да **Дон Карлос**, 12/XI **Олтиндиннинг сеҳрли шамчироғи** (12.00), **Анна Каренина** (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 10/XI да **Қароқчилар**, 11/XI **Фариблар**, 12/XI да **Саҳро тор.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 10/XI да **Ужарлар**, 11/XI да **Устоз ва шогирдлар**, 12/XI да **Устоз ва шогирдлар.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 10/XI да **Ҳаммомга бало борми?**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — ҚОЗОҒИСТОН ЦИРК АРТИСТЛАРИНИНГ ҲАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛЛАРИ «МЎЪЖИЗАЛАР ЎЛКАСИ» 11/XI да (16.00, 19.30).

КИНО

10 НОЯБРДА

ҲУЖЖАТЛИ-ХРОНИКАЛ ФИЛЬМЛАР:

«В. И. ЛЕНИН. СЎНГГИ ПОДПОЛЬЕДА» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

«РЕВОЛЮЦИЯ ҚЎМОНДОНИ» — **Дружба.**

«НАЧДИВ АЗИН» — **Дружба, Чайка.**

«КРАСНОДОНДАГИ МАНГУ АЛАНГА» — **Навоий номли.**

«ТАРИХДА БИРИНЧИ МАРТА» — **Пионер.**

«АППАСИОНАТА; ОКТЯБРЬ ГАПИРАДИ» — **Фестиваль.**

«РЕВОЛЮЦИЯ ҲАҚИДА ХОТИРА» — **Узбекистон 25 йиллиги.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР

«МЕНИНГ ЕҚИМТОЙ ЭРКАТОНИМ» — **Восток, Чайка.**

«ЯРОСЛАВ ДОМБРОВСКИЙ» — **Тинчлик.**

«ВАҲИМА ШИФОСИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

«ФРОНТ ОРТИДАГИ ФРОНТ» — **Янгиобод.**

ИЛМИЙ-ОММАБОП ВА ХРОНИКАЛ — ФИЛЬМЛАР ПРОГРАММАСИ — **Москва, Дружба, Фестиваль, Мир, Лисунов номли, Восток, Ҳамза номли, Янгиобод, Ғ. Ғулом номли, Ғунча, С. Раҳимов номли, Қозоғистон, Чайка, Навоий номли, Узбекистон 25 йиллиги, Кўнча, Пионер, Нукус, Тинчлик, ВЛКСМ 30 йиллиги.**

11 НОЯБРДА

ҲУЖЖАТЛИ-ХРОНИКАЛ ФИЛЬМЛАР:

«В. И. ЛЕНИН. СЎНГГИ ПОДПОЛЬЕДА» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

«РЕВОЛЮЦИЯ ҚЎМОНДОНИ» — **Дружба.**

«НАЧДИВ АЗИН» — **Дружба, Чайка.**

«КРАСНОДОНДАГИ МАНГУ АЛАНГА» — **Навоий номли.**

«ТАРИХДА БИРИНЧИ МАРТА» — **Пионер.**

«АППАСИОНАТА; ОКТЯБРЬ ГАПИРАДИ» — **Фестиваль.**

«РЕВОЛЮЦИЯ ҲАҚИДА ХОТИРА» — **Узбекистон 25 йиллиги.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР

«МЕНИНГ ЕҚИМТОЙ ЭРКАТОНИМ» — **Восток, Чайка.**

«ЯРОСЛАВ ДОМБРОВСКИЙ» — **Тинчлик.**

«ВАҲИМА ШИФОСИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

«ФРОНТ ОРТИДАГИ ФРОНТ» — **Янгиобод.**

ИЛМИЙ-ОММАБОП ВА ХРОНИКАЛ — ФИЛЬМЛАР ПРОГРАММАСИ — **Москва, Дружба, Фестиваль, Мир, Лисунов номли, Восток, Ҳамза номли, Янгиобод, Ғ. Ғулом номли, Ғунча, С. Раҳимов номли, Қозоғистон, Чайка, Навоий номли, Узбекистон 25 йиллиги, Кўнча, Пионер, Нукус, Тинчлик, ВЛКСМ 30 йиллиги.**

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

11 ноябрь соат 17.00 да

СССР биринчилиги учун «ДИНАМО» (Киев) — **«ПАХТАКОР»** (Тошкент) **КОМАНДАЛАРИ ЎРТАСИДА**

ФУТБОЛ

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ «СЕРВИС» ФИРМАСИ

эшикларга дермантин қилиб бериш учун

ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Мурожаат учун телефонлар: 44-61-45, 44-28-01, 44-63-15.

Тошкент «СЕРВИС» фирмаси.

«УЗТОРГРЕКЛАМА» телепрессагентлиги.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА

11, 12 НОЯБРЬ СОАТ 19.30 да

«УСТОЗ ВА ШОГИРДЛАР КЕЧАСИ»

ҚАТНАШАДИЛАР:

УСТОЗ: СССР халқ артисти, СССР давлат мукофоти ва Ҳамза номли Ўзбекистон ССР давлат мукофотининг лауреати.

РАЗЗОҚ ҲАМРОЕВ

ШОГИРДЛАР: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар

НАИМА ПЎЛАТОВА, СУРЪАТ ПЎЛАТОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ АРТИСТЛАРИ:

ОМИНАХОН ФАЁЗОВА, ТУРСУНХОН ЖАЪФАРОВА, ФАРОҒАТ РАҲМАТОВА.

Солистлар: ҲУСАН ШАРИПОВ, ШУҲРАТ РАСУЛОВ, ФАЙЗУЛЛО АҲМЕДОВ, ХАКИМ НОСИРОВ, МАРЬЯМ ИХТИЕРОВА, РАЙҲОН ТЎРАЕВА, РАВШАН СОЛИҲОВ, ТУРСУНБОЙ ПИРЖОНОВ, А. РЎЗИЕВ ВА БОШҚАЛАР.

ПРОГРАММАДА: интермедиялар, музикали комедиялардан саҳналар, монологлар, қўшиқ-лапарлар, рақс ва яллалар.

Заявкалар қабул қилинмоқда.

Билетлар сотилмоқда.

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими Давлат комитети

1-пойафзал фабрикаси қошидаги

143-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—79 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИДА ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ. **пойафзал бошлиғини бичувчи** (ўқиш муддати — 2 йил), **чарм кесувчи** (1 йил), **заготовка тикувчи** (2 йил), **силлиқлаш машина бажарадиган пойафзал фрезерчиси** (1 йил), **пойафзал деталларини мустаҳкамлаш машина бажарадиган пойафзал затяжкачиси** (2 йил), **контролёрлар** (2 йил), **слесарь-ремонтчи** (2 йил), **пойафзал тагидаги деталларни мустаҳкамловчи** (1 йил), **аёллар чарм сумкаларини тикувчи** (1 йил).

Билим юрти қошида ўқувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун пойафзалчилар маданият уйи ва унда туристик спорт ва ҳаваскорлик тўгараклари мунтазам ишлаб турибди.

Билим юртига қабул қилинганлар тула давлат таъминотида бўлиб, уч маҳал овқат, кийим-бош, практикада ишланган иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

БИЛИМ ЮРТИНИ БИТИРГАНЛАР 1-ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИДА ИШЛАЙДИЛАР.

Билим юртига 8—9—10-синф ҳажмида маълумоти бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.

Билим юрти қошида ишчи-ёшлар мактаби бор.

Машғулотлар группалар комплектлангандан сўнг бошланади

Билим юртини яхши ва аъло баҳолар билан битирган ўқувчиларга техникум ва институтларга йўлланма берилади.

Ўқишга киришни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим: директор номига ариза, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, турар жойидан ва саломатлиги ҳақида справкалар, 6 та фотосурат (3x4 см.). ўқиш ёки иш жойидан характеристика.

ҲУЖЖАТЛАР ЯКШАНБАДАН ТАШҚАРИ ҲАР КУНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Бизнинг адресимиз: Тошкент шаҳар, Богдан Хмельницкий кўчаси 6-уй (84, 131, 122, 103-автобуслар, 2, 6, 14-троллейбусларнинг «Пойафзал фабрикаси» бекати).

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими Давлат комитетининг

Электротехника саноати учун малакали мутахассислар тайёрлаб берувчи

34-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисослар бўйича

1978—1979 ЎҚУВ ИЛИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Прессформа штамплар ва мосламалар тайёрловчи ва ремонт қилувчи слесарь-асбобсоз, саноат ускуналарини ремонт қилувчи слесарь, саноат электр асбоб-ускуналаридан фойдаланиш ва уларни ремонт қилувчи электромонтёр, универсал токарь, иккиламчи коммутация занжирларини монтаж қилувчи электр монтажчи, интеграл микросхемаларни йиғувчи, ярим ўтказгич асбобларни йиғувчи, электр машиналари ва аппаратларини йиғувчи, чизмачи-конструктор.

Билим юртига 15 дан 25 ёшгача бўлган 8—10 синф маълумотидаги йигит-қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — мутахассисликка қараб, бир йилдан 3 йилгача.

8-синф маълумоти билан қабул қилинганлар уч маҳал бепул овқат, кунда кийиладиган ва кўчалик кийим-бош билан таъминланадилар: 10-синф маълумоти билан қабул қилинганлар эса, 30 сўм миқдорида стипендия оладилар.

Ҳамма ўқувчилар ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг маълум қисмини оладилар.

Диққат! Совет Армияси сафларида хизмат қилиб қайтган ёшлар! Сизлар учун ўқиш муддати қисқартириладн ва 72 сўм ҳажмида стипендия тўлаб борилади.

8-синф маълумотидаги ўқувчилар билим юртида жойлашган мактабда ўз ўқишларини давом эттирадилар. Хоҳловчилар ўқишни «Электроаппарат» корхонаси базасидаги электротехника техникуми филиалида таҳсил кўриш билан бирга қўшиб олиб боришлари мумкин.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар олий ўқув юртларига имтиҳонсиз шартлар билан кирадилар.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртини тугатганларга мутахассислик бўйича диплом ва ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат берилади.

Билим юртида вокал-чолғу ансамбли, хор, драма, фототўгарак, техника ижоди тўгараги, ҳаваскорлик киностудияси, спорт секциялари ишлаб турибди.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларнинг бўлиши шарт: директор номига ариза, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақидаги аттестат (асл нусхаси), автобиография, иш жойи ёки мактабдан характеристика, ота-онасининг иш жойидан, яшаб турган жойидан справка, медицина справкаси (286-форма), олтита фотосурат (3x4 см. ҳажмида).

Бизнинг адрес: 700105, Тошкент — 105, Ленин райони, Манжара кўчаси, 137-уй (22, 55-автобусларнинг «Электротехника заводи» бекати, 5-трамвай, 7, 12, 26, 36, 52, 68, 22, 55-автобусларнинг «Қорасув» бекати).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

10 НОЯБРЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг

«Восток» программаси

СОВЕТ МИЛИЦИЯСИ КУНИ

18.00 «Китоб сенинг ҳаётингда». В. Маяковский. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Беш йиллик қурилишларида». 19.15 «Бугун — Совет милицияси куни». СССР Ички ишлар министри Н. А. Щелоков сўзи. 19.30 Ф. Мендельсон. Скрипка ва оркестр ижроси учун концерт. 20.00 «Терговни билимдонлар олиб боради». Телевизион бадиий фильм премьераси. 13-иш. «Учинчи ўқ отилгунча». 1-қисм. Авторлар — О. ва А. Лавровлар. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Тепамизда Арктика» Илмий-оммабоп фильм. 22.30 Совет милицияси кунига бағишланган концерт. Давлат Марказий концерт залидан олиб кўрсатилади. 1-бўлим.

Узбекистон телевидениесининг

программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Вим, Бам, Бом ва бўри». Болалар учун мультфильм. 18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Дўстлик диёримиз бўйлаб одимлайди». Жаҳон ёшлари кунига бағишланган кўрсатув. 18.45 «Бугун — совет милицияси куни». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Олямга саёҳат». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Милиция ходимлари учун концерт. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Пахтазор — мардлар майдони». 22.20 «Энг сўнгги кун». Бадиий фильм. 23.55 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

19.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Француз тили. 19.30 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Химия. 20.30 Ўқитувчилар учун консультация.

21.00 Тошкент янгиликлари.

21.20 «Надя Павлова рақсга тушади». Фильм-концерт.

11 НОЯБРЬ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг

«Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Ўсмирлар ижоди». 10.25 «Ота-оналар, Сизлар учун». 10.55 «Тонгги почта». Музикали программа. 11.25 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик». 11.55 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг симфоник оркестри чалади. 12.20 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». XVIII аср француз живописи. 12.50 «Здоровье». «Фан ва техника соҳасида 1978 йили СССР давлат мукофотларининг лауреатлари». 13.35 «Ҳамдўстлик». Телевизион журнал. 14.05 «Спортлото» тиражи. 14.20 Болалар учун. «Алёшка ва Валет». Телевизион фильм премьераси. 15.25 «Мўъжизасиз — мўъжизалар». 16.25 Совет милицияси кунига бағишланган концерт 2-бўлим. 10 ноябрь куни Давлат Марказий концерт залидан трансляция пайтида ёзиб олинган.

18.30 Янгиликлар. 18.40 «Ангола мустақиллиги кунига «Анголаликлар». Ҳужжатли фильм. 19.25 «1978 йил қўшиқлари». 20.00 «Терговни билимдонлар олиб боради». Телевизион бадиий фильм премьераси 13-иш. «Учинчи ўқ отилгунча». 2-қисм. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати «Динамо» (Тбилиси) — «Торпедо» Тбилисидан олиб кўрсатилади. 23.45 Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Телевизион миниатюралар театри. 10.50 «Ўзбекистон спорти». 11.20 «Ўйгур муқомлари». Концерт. 12.00 «Сиҳат-саломатлик». Илмий оммабоп программа. 12.30 «Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак». 13.00 «Севишганлар». Бадиий фильм. 16.25 Кўрсатувлар программаси. 16.30 Болалар учун. «Санъат ғунчалари».

17.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Динамо» (Киев) «Пахтакор» Марказий стадионидан репортаж. Танаффус пайтида — «Дўстлар». Мультфильм. 18.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ватанпарвар». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Шеърият билан учрашув». Кўрсатувни шоир Роберт Рождественский олиб боради (рус.). 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Санъаткорлар — ҳосил устасларига». 21.30 Москва «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Телевиденне экранида биринчи марта». «Кўзингга тик боқ». Бадиий фильм. 23.15 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевиденкесининг программаси

18.30 Кўрсатувлар программаси. 18.35 Октябрятлар учун «Юлдузча», 19.05 «Новости» информацион программаси. 19.25 «Ҳамсолон». Телевизион журнал. 19.55 «Картошка зиёфати». Ҳужжатли фильм. 20.10 «Самарадорлик ва сифат беш йиллиги» (тожик тилида). 20.35 «Ахборот» информацион программаси. 21.00 Эстрада куйларидан концерт. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 Кўрсатувлар программаси. 22.05 «Сен менга, мен сенга». Бадиий фильм (тожик тилида). 23.30 Душанба кўрсатувларининг охири.

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

10 НОЯБРЬ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар; партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 38-81-42, 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг нашриёт диспетчери навбатчиларн — 33-90-50.

Р-02874. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1454.